БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 142 (1146)

19 ИЮЛЬ ШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

## ТЕЛЕГРАММА

Бағдоддан, 1958 йил, 18 июль.

*Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси*

*Н. ХРУШЧЕВ Жаноб Олийларига*

МОСКВА

Ироқ Республикаси ҳукумати Сиз Жаноб Олийларининг телеграммасини олиб, гоят хурсанд ва миннатдор бўлди. Бу телеграммада Совет ҳукуматининг Ироқ Республикаслни таниганлиги маълум қилинади ҳамда Сизнинг ҳукуматингиз халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тўла равишда ҳурмат қилганлиги билдирилади. Менинг ҳукуматим Ироқнинг мустақиллигини ҳимоя қилишга ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш ва барча тинчликсевар давлатлар билан дўстлик муносабатларини ўрнатиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга қатъий бел боғлагандир. Мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларнинг ривожланишини чин кўнгилдан истаган ҳолда, мен бу муносабатларнинг янада ривожланажагини таъкидламоқчиман.

Ироқ Республикасининг Бош министри А. К. ҚОСИМ.

# Ливан, Ироқ ва Иорданиядан қўлингни торт!

☆ ☆

## Халқ ғазаби

Ўз ватанини ҳимоя қилмоқ учун, империализмга ва унинг реакцион агентларига қарши бош кўтарган ироқ халқи 14 июлда монархияни ағдариб ташлади ва Ироқ Республикаси тузилганлигини эълон қилди. Республика ҳукумати ўзининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти принципларига ҳамда Бандунг конференциясининг тарихий қарорларига содиқлигини билдирди, агрессив Бағдод пактини бекор қилди, Ироқ-Иордания Федерациясидан чиққанлигини маълум қилди ва Бирлашган Араб Республикасини таниди.

Барча араб давлатлари, барча мамлакатларнинг тинчликсевар жамоатчилиги Ироқ халқининг империализм ва реакция устидан қозонганлигини, Ироқ Республикаси эълон қилинганлигини табриклямоқда.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Ироқ Республикасининг Бош Министри Абдил Карим Қосим жаноб олийларига юборган телеграммасида бундай деди:

**«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига ҳамиша амал қилиб ва Ироқ халқининг ҳаққоний миллий истакларини чуқур ҳурмат қилиб, шу билан Ироқ Республикаси ҳукуматини расмий равишда таниганлигини изҳор қилади.**

**Совет Ҳукумати ишонадики, Ироқ Республикасининг тузилганлиги умумий тинчликни янада мустаҳкамлашга ҳамда СССР билан Ироқ ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради».**

Хитой Халқ Республикаси, Чехословакия, Руминия, Польша, Болгария, Венгрия, Югославия, Вьетнам ва бошқа мамлакатлар ҳам Ироқ Республикасини расмий равишда танидилар.

Ироқда миллий мустақиллик йўлидаги ҳаракатда эришилган буюк галаба мустамлакачиларнинг Ўрта Шарқдаги ҳукмронлиги негизларини қақшатиб қўйганлиги сабабли, даргазаб бўлган ва ташвишга тушган АҚШ ҳукумати жаҳон жамоатчилигининг норозиликларига қарамай Ливанда ошкора равишда қуролли интервенция бошлади ва Ироқ Республикасига таҳдид қилишга уринмоқда.

Бутун дунё халқлари, шу жумладан тинч ижодий меҳнат билан машғул бўлган қаҳрамон совет халқи Америка Қўшма Штатларининг Ливандаги агрессиясига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар, империалистларга:

**— Ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган барча араб мамлакатларидан қўлингни торт!** — деб даргазаб бўлиб хитоб қилмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари БМТ Уставининг асосий принципларини ошкора равишда бузиб, «Америка гражданларини ҳимоя қилиш» ва «Ливан суверенитетини сақлаб қолиш» баҳонаси остида 15 июлда ўз десант қўшинларини Ливанга юборди ва Ливаннинг ички ишларига қурол кучи билан аралашмоқда. Бу эса, араб халқларининг ўз миллий мустақиллиги йўлидаги ҳаракатини бостириш ва халқаро кескинликни кучайтириш мақсадида АҚШ томонидан қилинган гоят жиддий ҳарбий авантюрадир. Совет ҳукуматининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги воқеалар муносабати билан матбуотда эълон қилинган Баёнотида кўрсатиб ўтилганидек, «Америка қўшинларининг Байрутга туширилганлиги фақат Ливанга нисбатангина эмас, шу билан бирга эрксевар барча араб мамлакатларига нисбатан ҳам қилинган қуролли интервенциядир».

Телеграф яна янги хабар келтирди: америкалик солдатлар тушган кўпгина Америка ҳарбий транспорт самолётлари Туркиянинг жанубий қирғоғида жойлашган, Ливан ва Иорданияга яқин бўлган Адана шаҳридаги ҳарбий ҳаво базасига қўнган. Инглиз авиадесант қўшинлари Кипр оролидаги ҳарбий ҳаво базаларидан келтирилиб, Иорданияга туширилган.

Жаҳон афкор оммаси, ер курраси даги юз миллионларча яхши ниятли оддий кишилар—тинчлик тарафдорлари империалистларнинг агрессиясини нафрат билан қоралямоқдалар ва америка-инглиз қўшинларининг Ливандан ҳамда Иорданиядан дарҳол олиб чиқиб кетилишини қатъий талаб қилмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг сурбетлик билан Ливанга қилган қуролли интервенцияси областимиз меҳнаткашларининг ҳам чуқур қаҳру-ғазабини уйғотди. Шу кунларда областнинг шаҳар ва қишлоқларида ўтаётган кўп минг кишилик митинг ва йиғилишларда меҳнаткашлар америка империалистларининг жинояткорона агрессиясини қаттиқ қоралямоқдалар, мустамлакачиларга қарши ўз озодлиги учун курашаётган Ливан ва Ироқ халқлари билан бирдам эканликларини изҳор қилмоқдалар, Совет ҳукуматининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги воқеалар муносабати билан чиқарган Баёнотини якдиллик билан маъқулламоқдалар. Тошкент машинасозлари, Янгийўл пахтакорлари, Чирчиқ химиклари, Оҳангарон кўмирчилари, Янгиер қурувчилари, Бекобод металлурглари, Ховос чорвадорлари ва Паркент галлакорлари ўз овозларини Ливандаги агрессиянинг дарҳол жиловланишини талаб қилаётган жаҳон халқларининг қудратли овозига қўшмоқдалар.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективининг митингида сўзга чиққан транспорт цехи бошлиғининг ўринбосари ўртоқ И. Тоҳиров ўзбек халқининг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Америка империалистларининг Шарқ мамлакатларида озодлик ҳаракатини бўғишга интилишлари биринчи марта эмас. Ҳозир агрессорлар очиқдан-очиқ ҳаракат қилмоқдалар ва халқаро қонунларни поймол қилиб, Ливан территориясига денгиз пиёда қўшинларини туширдилар. Ер юзидаги халқлар уларнинг бу ўзбошимчалигини ҳеч қачон кечирмайди. Бизлар, совет кишилари, интервенциячиларни шармандa-ю, шармсор қиламиз, эрксевар Шарқ халқларига босқинчиларча ҳужум қилишга қарши қатъий норозилик изҳор қиламиз. Америка агрессорларининг игвогарлигига жавобан Ватанимизнинг меҳнаткашлари бутун дунёда тинчликнинг ишончли таянчи бўлган социализм мамлакатининг қудратини янада кўпроқ мустаҳкамлайдилар.

Биз Ўрта ва Яқин Шарқдаги воқеалар муносабати билан Совет ҳукуматининг чиқарган Баёнотини тамомила маъқуллаймиз. Бу Баёнот Ватанимиз барча меҳнаткашларининг умид-орзуларини ифодалайди.

«Совет ҳукумати, — дейилади Баёнотда, — АҚШ ҳукуматини араб мамлакатларининг ички ишларига қуролли аралашишни тўхтатишга ва ўз қўшинларини Ливандан дарҳол олиб чиқиб кетишга қатъий даъват қилади.

Совет ҳукумати шуни айтадики, Совет Иттифоқи ўзининг чегараларига туташган районда жиддий таҳдид туғдираётган воқеаларга индамай қараб туролмайди ҳамда тинчликни ва хавфсизликни сақлаш манфаатлари талаб қиладиган зарур чораларни кўришга ўзини ҳақли деб ҳисоблайди».

Бутун дунё жамоатчилиги америка империалистларининг араб халқларига нисбатан сурбетларча қилган қуроллр интервенциясини қатъий қораламоқда ва бу интервенция муқаррар барбод бўлади. Ливан, Ироқ ва барча араб халқларининг ўз мустақиллиги йўлидаги кураши яккаланган кураш эмас. Осиё ва Африка халқлари билан бирга, барча тинчликсевар мамлакатлар ва халқлар билан бирга кўп миллионли қаҳрамон совет халқи ҳам араб халқларининг адолатли курашини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайди.

## Интервенциянинг олдини олиш керак

Жаҳон халқлари америка империалистларининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ички ишларига қўпол равишда аралашаётганликларини қаттиқ қораламоқдалар. Америкалик монополистлар ўзларининг қабиҳ мақсадларини кўзлаб, Ливан территориясига қўшин туширдилар. Уларнинг бу хиёнаткорона ҳаракати совет кишиларининг ҳам қаттиқ ғазабига учради.

Кеча Чирчиқдаги барча саноат корхоналарида, қурилишларида америка агрессиясига қарши норозилик митинглари бўлиб ўтди.

— АҚШ ҳарбий қўшинларининг Ливанга бостириб кириши, — дейди «Электрохимия комбинати» 5-цех бошлиғи ўртоқ Бўрбоев, — араб халқларининг, шу билан бирга бутун дунё халқларининг манфаатларига зиддир. Империалистлар озодлик учун курашаётган араб халқларини қулликда сақламоқчи бўладилар. Лекин америкалик корчалонларнинг бу ҳатти-ҳаракати, албатта барбод бўлади. Дунёдаги барча эрксевар халқлар бундан бир неча ой муқаддам Англия, Франция ва уларнинг малайи бўлган Исроил урушқоқларининг Мисрга қилган жинояткорона агрессиясини унутганлари йўқ. Империалистлар дунёнинг у ёки бу бурчагида тез-тез гавго кўтариб турибдилар. Бу, яхшиликка олиб бормайди. Интервенция қилаётган империалистларнинг жинояткорона ҳаракатига барҳам бериш керак. Биз ишчилар, урушнинг қандай оқибатлар келтиришини яхши биламиз. Совет ҳукумати дунёда тинчликни сақлаш учун жуда кўп тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда эълон қилинган Совет ҳукумати Баёноти бунинг ёрқин далилидир.

Ўртоқ Бўрбоев сўзини қувватлаб, сўзга чиққан электромеханика цехининг илғор мастери Ўртоқ Носиров АҚШнинг Ливанга қилган интервенцияси ҳақида қаҳр-ғазаб билан гапирди. Слесарь Назаренко, аппаратчи Столповская ўртоқларнинг митингда сўзлаган нутқлари комбинат ишчиларининг ҳис-туйғусини ифода этди.

Шу куни шаҳарнинг йирик корхоналари — «Узбекхиммаш», «Чирчиксельмаш» заводларида, шунингдек йирик 160-қурилиш трести ва бошқа ташкилотларда ҳам норозилик митинглари бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари америкалик империалистларнинг жинояткорона ҳаракатини қораловчи резолюция қабул қилдилар.

Тошкентдаги 1-босмахонада ишчи ва хизматчиларнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги воқеалар муносабати билан Совет ҳукуматининг Баёнотига бағишланган кўп кишилик митинги бўлиб ўтди. Суратда: Октябрь район партия комитетининг вакили Ж. Расулев Баёнотни ўқиб бермоқда.

М. Турсунхўжаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Тошкент тўқувчиларининг овози

Тошкент тўқимачилик комбинатининг минглаб тўқувчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари тинчликка таҳдид солаётган АҚШ империалистларининг жинояткорона ҳаракатига қарши кеча норозилик митингга ўтказдилар.

Митингни комбинат касаба союз комитетининг раиси Ўртоқ Аҳмаджонов очади. Партия комитети секретарининг ўринбосари Ўртоқ Усмонов Яқин ва Ўрта Шарқдаги воқеалар муносабати билан эълон қилинган Совет ҳукуматининг Баёноти ҳақида қисқача гапиради. Шундан сўнг биринчи бўлиб 2-йигирув фабрикасининг мастери Ўртоқ Юсупова минбарга чиқади.

— Биз, — дейди у, — Совет ҳукуматининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги воқеалар муносабати билан чиқарган Баёнотини дунёда тинчликни сақлаш ишига қўшилган катта ҳисса деб тушунамиз. Шу билан бирга, ҳукуматимизнинг бу Баёноти америка империалистларини тийиб қўяди. Америка агрессорлари дарҳол ўз қўшинларини Ливан территориясидан олиб чиқиб кетишлари керак. Жаҳон халқлари улардан ана шуни талаб қилади.

— Империализм озодлик ва мустақилликнинг қабиҳ душманидир,— дейди ўз сўзида ип фабрикасининг инженери Стрельцов. — Империализмни ҳимоя қилаётган, уни сақлаб қолишга интилаётган америка монополистлари қулликдан озод бўлиш учун курашаётган Шарқ халқларини ўз таъсирларига ўтказмоқчи бўладилар. Лекин улар тарих ғилдирагини тескари айлантира олмайдилар. Улар бугун Ливанга интервенция қилиб, тинчликсевар халқларнинг бошига ташвиш солиб қўйдилар. Бироқ биз аминмизки, улар бу қилмишлари учун қаттиқ пушаймон бўладилар. Совет ҳукумати, қаҳрамон совет халқи мустақиллик учун революцион кураш олиб бораётган Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг адолатли курашини қўллаб-қувватлайди.

1-йигирув фабрикасининг ишчиси Ўртоқ Мурашкина ҳаяжонли нутқ сўзлади. У, Ливанга қилинган агрессия империалистларнинг ҳақиқий башараларини фош этиб қўйди, дейди. Колониализм системасини қандай бўлмасин сақлаб қолишга уринаётган қора кучлар — империалистлар, албатта панд ейдилар.

3-йигирув фабрикасининг мастери Азимов, 2-тўқув фабрикасининг хизматчиси Зайцева ўртоқлар минбарга чиқиб, барча тўқувчиларнинг ҳис-туйғисини ифода этдилар. Улар агрессорларнинг бу жинояткорона ҳаракати бутун дунё жамоатчилигининг қаҳр-ғазабига учрайди, дедилар.

Комбинат коллективининг норозилик митингида қабул қилган резолюциясида америка империалистларининг араб мамлакатлари ички ишларига аралашиши ҳамда интервенцияси дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қилинади.

## Москвада норозилик митинглари ва йиғилишлари

Тинчликсевар Араб мамлакатларига қарши агрессив ҳаракатлар учун юборилган америка қўшинларининг Ливанга туширилганлиги тўғрисидаги хабарни Москва меҳнаткашлари ғазаб ва норозилик билан қарши олдилар.

17 июлда пойтахтдаги 238 корхона, муассаса, илмий институт ва бошқа ташкилотларда 300 мингдан ортиқ киши иштирок этган норозилик митинглари ва йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу митинглар ва йиғилишларда меҳнаткашлар номидан бир мингдан ортиқ ишчи, хизматчи, инженер ва техниклар, илмий ходимлар, фан ва маданият арбоблари сўзга чиқдилар. Улар АҚШнинг Ливандаги агрессив ҳаракатларини қоралаб, АҚШ қўшинларининг Ливандан олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар. Митинглар «Ливандан ва Ироқдан қўлингни торт» деган шиор остида ўтди.

Норозилик митинглари ва йиғилишларида қабул қилинган резолюцияларда АҚШнинг Яқин Шарққа қурол кучи билан аралашувининг дарҳол тўхтатилиши, Америка қўшинларининг бу райондан дарҳол олиб чиқиб кетилиши талаб қилинади. (ТАСС).

## Босқинчилар нияти амалга ошмайди

Бутун дунёдаги эрксевар халқлар Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучлари Ливан тупроғига бостириб кирганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Ёвузлар нияти ҳеч қачон амалга ошмайди, Ливан халқи ўз мустақиллигини сақлаб қолади, деб қаттиқ ишонмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиз доимо тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини юргизиб келмоқда, ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида ҳормай-толмай курашиб келаётган халқларнинг мададкори сифатида танилмоқда. Бу — Америка Қўшма Штатлари Кореяга қарши ҳужум қилган даврларда ҳам, Англия-Франция-Исроил қўшинлари Миср тупроғига бостириб кирганида ҳам яққол кўзга ташланган эди. Ана шу вақтларда совет кишилари бошқа мамлакатларнинг эрксевар кишилари билан бир сафда туриб, империалист давлатлар қўшинларининг Корея ва Миср тупроғидан тезда олиб чиқиб кетилишини ҳақли равишда талаб қилдилар. Бирлашган адолатли кишиларнинг куч-қудрати, уларнинг тинчликни сақлаш учун олиб борган қатъий кураши империалистларнинг ёвуз ниятларини барбод қилди. Корея ва Миср халқлари ўз мустақилликларини сақлаб қолдилар.

Эндиликда Америка қўшинларининг Байрутга туширилганлиги фақат Ливанга нисбатангина эмас, эрксевар барча араб мамлакатларига нисбатан ҳам қилинган босқинчилик эканлигини бутун жаҳон кўриб турибди. Урушнинг оғир даҳшатларини бошидан кечирган дунёдаги ҳар бир киши империалистларнинг бу ёвуз ниятларига қаҳр-ғазаб билан қарамоқдалар. «Америкалик босқинчилар Ливандан қўлингни торт!» деб хитоб қилмоқдалар. Бизнинг мамлакатимиз ана шу хитобни қўллаб-қувватламоқда.

Кеча колхозимизнинг ҳамма бригадаларида Америка Қўшма Штатларининг Ливанга нисбатан босқинчилик сиёсатига қарши норозилик митинглари бўлиб ўтди. Бу митинглларда колхоз аъзоларидан Қаҳҳор Каримов, Файзулла Абдуллаев, Рашид Зиёев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, империалистларга нисбатан қаҳру-ғазабларини изҳор қилдилар, Совет ҳукуматининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги воқеалар муносабаси билан чиқарган Баёнотини якдиллик билан маъқуллладилар.

**Х. ОТАЖОНОВ,**
**Тошкент районидаги Ленин номли колхоз раиси.**

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси Москвага қайтиб келди

Германия Бирлашган социалистик партиясининг V съездида қатнашган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси шу йил 17 июлда Берлиндан Москвага қайтиб келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари О. В. Куусинен, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари М. Т. Ефремов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Украина КП Марказий Комитетининг секретари В. В. Щербицкий, Белоруссия КП Минск область комитетининг биринчи секретари В. Ф. Шауро ўртоқлар бор.

*Ўзбекистон КП Марказий Комитетида*

## Ўзбекистон саноатида техникани янада тараққий эттириш вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон саноатида механизацияни ва ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштиришни янада ривожлантириш масаласини кўриб чиқди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети саноат ходимлари, илмий текшириш институтлари ва конструкторлик бюроларининг ходимлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаси КПСС XX съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг саноат, транспорт ва қурилишнинг барча соҳаларида техникани янада тараққий эттиришга қаратилган қарорларини сўзсиз бажаришдан иборат, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон саноати инженер-техник ходимлари ва новаторларининг биринчи съездида янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш негизида меҳнат унумдорлигини ошириш масаласининг муҳокама қилинганлиги шу нарсани кўрсатдики, республика халқ хўжалигида ишлаб чиқариш техника даражасини янада ошириш ва меҳнат унумдорлигини анча ошириш учун гоят катта имкониятлар бор. Республикада огир саноатнинг энг муҳим тармоқлари — машинасозлик, энергетика, металлургия, химия ва бошқа соҳаларнинг, илмий ходимлар, юқори малакали инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг катта армияси, илмий-текшириш, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотларининг кенг тармоғи борлиги республикада фан ва техникани янада ривожлантириш вазифасини жадал суръатлар билан ҳал қилиш имкониятини беради.

Ўзбекистондаги саноат ва фан ходимлари КПСС XX съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, сўнгги йилларда ишлаб чиқариш процессларини электрлаштириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида, энг янги машина ва механизмларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, эскирган ускуналар ўрнига янги унумлироқ ишлайдиган машиналар ўрнатиш ҳамда мавжуд ускуналарни модернизация қилиш асосида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ишлаб чиқариш техникаси даражасини ошириш юзасидан каттагина иш қилдилар. Бу, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсишини, саноат, транспорт ва қурилишнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашни таъминлади.

Бироқ, ҳали ҳамма иш қилиниб бўлди деб бўлмайди. Республикада техника тараққиёти суръатини жаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хомашё, материаллар, ёнилги, энергияни тежаш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун мавжуд бўлган катта имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир.

Халқ хўжалигининг энг муҳим соҳалари: машинасозлик, кон-руда, химия, кўмир, бонокорлик материаллари саноати, пахта тозалаш, ёғ саноати ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатининг бошқа соҳаларида ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш масалалари суст ҳал этилмоқда. Ёрдамчи ишларни механизациялаш ва завод ички транспортини ташкил қилиш масалалари айниқса қониқарсиз ҳал этилмоқда.

Машинасозлик заводида қуйилмадан аниқ заготовка олишнинг прогрессив технологияси, автоматик тарзда пайвандлаш, иссиқ ва совуқ усулда штамповка қилиш, поток ва автомат линияларини ташкил қилиш суст жорий этилмоқда. Нефть саноатида қатламга таъсир кўрсатишдан иборат прогрессив методни ва жадал усулда пармалашни жорий қилиш ҳисобига нефть қазиб чиқаришни кучайтириш зарур.

Пахта заводларида ва пахта тайёрлаш пунктларида огир ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш суст жорий қилинмоқда. Маълумки, пахтани қопсиз ташиш жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга, лекин бу усул жуда суст жорий қилинмоқда. Чигитдан момиқни тўла ажратиб олиш методи ишлаб чиқилгани йўқ. Ёғ саноати ҳам кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаш соҳасида жуда орқада қолмоқда. Саноатнинг бу соҳасидаги ишчиларнинг 30 процентидан кўпроғи юк ортиш ва юк тушириш ишларида машғулдир. Ваҳоланки, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан зарур ишларни қилиш учун реал имкониятлар бор.

Пиллакашлик саноатида пилла тортиш жараёнида кўплаб пилла нобуд қилинмоқда. Бунга эски технологиядан фойдаланиш ва автомат ускуналарни суст жорий қилиш сабаб бўлмоқда.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, илғор технологияни жорий қилиш ишлари ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш иши билан чамбарчас боғлаб олиб борилмайди. Шунинг учун ҳам доимо зарур иқтисодий фойда олина бермайди. Республика илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотлари янги, янада мукаммал машина ва механизмларни яратиш, ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиясини, шунингдек хомашё ресурсларидан комплекс фойдаланишни ишлаб чиқиш масалалари билан етарлик шуғулланмаётирлар.

Техника тараққиёти суръатини тезлаштириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳозирги замон фани ва техникаси муваффақиятларини пропаганда қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Саноат ва қишлоқ хўжалигида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги илмий-техника пропагандаси эса айниқса ёмон. Ватан ва чет эл фани, техникасининг муваффақиятлари тўғрисидаги информацион материал корхоналарга бирдай етказилмайди. юборилган материалларга эса, одатда, ана шу муваффақиятлардан фойдаланиш юзасидан конкрет тавсияномалар қўшиб юборилмаётир. Корхоналарнинг ўзида илғор тажрибани пропаганда қилишга етарли эътибор берилмаётир.

Шу нарсани айтиш керакки, кўпгина партия ташкилотлари саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва бошқа ташкилотларнинг янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш юзасидан олиб борайётган ишлари устидан етарли назорат олиб бормайдилар. Техника тараққиёти суръатини тезлаштиришнинг мавжуд жуда катта имкониятларидан фойдаланишга қаратилган оммавий ва сиёсий ишлар ҳали ҳам яхши эмас.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ўз қарорида Ўзбекистон КП область, шаҳар ва район партия комитетлари, Халқ хўжалиги кенгашлари, республика министрликлари ва бошқармалари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт, алоқа, илмий-текшириш, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотларининг ходимлари ўртасида ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришни янада ривожлантириш масалаларини ҳамда республика инженер-техник ходимлари ва ишлаб чиқариш новаторларининг биринчи съезди материалларини муҳокама қилишни юклади. Ҳар бир корхона ва ташкилотда янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш негизида меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини жадаллаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва бу тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинди.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

*Ўзбекистон КП Марказий Комитетида*

# Ўзбекистон саноатида техникани янада тараққий эттириш вазифалари тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника комитети ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига республика халқ хўжалиги кенгашлари, илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотлари билан биргаликда илмий-текшириш, конструкторлик ва тажриба ишларини кенг миқёсда ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди. Бу ишлар электр станциялари ва подстанцияларда автоматизация ва телемеханизацияни тугаллашга, пахта тозалаш заводлари ва қуритиш-тозалаш цехларидаги ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришга, пахтани қопсиз ташишни ташкил қилишга ва тайёрлаш пунктида пахтанинг яхши сақланишини таъминлашга, ёғ заводларида юк ортиш ва юк тушириш ишларини комплекс механизациялаш ҳамда ёғ заводларини илғор технологияга ўтказишга, рангли металлургия ва кўмир саноатида конда руда қазиш ишларини комплекс механизациялашга, нефть қазиб чиқаришни жадаллаштириш ва автоматлаштиришга, химия заводларидаги ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришга, синтетик материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва республика хомашё ресурсларидан комплекс фойдаланишга, озиқ-овқат саноатининг ҳамма соҳаларига сунъий совуқни кенг жорий қилишга қаратилган.

Ўзбекистон ССР давлат план комиссияси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника комитети, халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармалар 1959-1965 йилларга мўлжалланган республика халқ хўжалигини ривожлантириш планида республика инженер-техник ходимлари ва ишлаб чиқариш новаторларининг биринчи съездида таклиф этилган энг қиммат ли таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни кўзда тутишлари лозим. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши, САГУ, САзПИ, ТИИМСХ, Транспорт ва тўқимачилик институтининг раҳбарлари 1958-1959 йиллар учун мўлжалланган илмий-текшириш ва конструкторлик ишларининг тематик планига съездда ўртага қўйилган айрим проблема ва таклифларни ишлаб чиқишни киритишлари зарур.

Ўзбекистон КП область, шаҳар ва район комитетлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника комитети, Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармалар, саноат корхоналари, қурилишлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, инженер-техник ходимлар ва ишчилар малакасини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, илғор технологияни жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш масалалари юзасидан систематик тарзда циклли лекциялар ва семинарлар ташкил қилишлари, лекция ўқишга мутахассис олимларни, ишлаб чиқариш новаторлари ва инженерларни жалб қилишлари зарур.

Ватан ва чет эл фани ҳамда техникасининг муваффақиятларини, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини кенг пропаганда қилишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника комитетига, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига, республика Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармаларига фан ва техника муваффақиятлари ҳақидаги маълумотларга бу муваффақиятларни амалга ошириш юзасидан конкрет тавсияларни қўшган ҳолда саноат корхоналарига, конструкторлик бюроларига, лойиҳалаш ва илмий-текшириш ташкилотларига муттасил юбориб туришни ташкил этиш тавсия қилинди. Новаторларнинг илғор тажрибасини бевосита корхонанинг ўзида кўрсатишни йўлга қўйиш зарур.

САГУ, САзПИ, ТИИМСХ, Транспорт ва Тўқимачилик институтининг раҳбарлари 1958-1959 ўқув йилидан бошлаб ўқув планларига юқори курсларда ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш масалаларини ўргатишни киритишлари лозим. Бунда фан ва техниканинг шу соҳаларда қўлга киритилган ютуқларини назарда тутиш керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника комитети Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Халқ хўжалик кенгашлари ва министрликлар билан биргаликда машина ва механизмларнинг самаралироқ янги конструкцияларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг янги, мукаммалроқ технологиясини ишлаб чиқиш юзасидан конкурслар ташкил қилиш лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат план комиссиясига республика Халқ хўжалиги кенгашлари билан биргаликда 1959-1965 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Халқ хўжалигини ривожлантириш планида механизация ва автоматизация воситаларини, шунингдек приборларни ишлаб чиқаришни ташкил этишни кўзда тутиш таклиф қилинди. Бу тадбир республиканинг автоматизацияга керакли энг муҳим воситаларга бўлган эҳтиёжини кўзда тутган ҳолда янги заводлар қуриш, шунингдек мавжуд заводларни ихтисослаштириш ҳисобига амалга оширилади.

Тошкент ва Фарғона Халқ хўжалиги кенгашлари, Пахта тозалаш саноати марказий илмий-текшириш институти, Ўзбекистон Ипак саноати илмий-текшириш институти ва Бутуниттифоқ ёғ саноати илмий-текшириш институтининг филиали 1958-1959 йиллар мобайнида инженер-техник кадрлар ва саноат корхоналари ишчиларининг илғор техника ва прогрессив технологияни амалда ўрганишлари учун намунали тажриба базалари ташкил қилишлари керак.

Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг эътибори иқтисодий ишларни кучайтириш ҳамда янги техника, илғор технология, рационализаторлик таклифларининг жорий қилинишидан олинадиган самарага тўғри баҳо беришга қаратилди. Ишлаб чиқариш процессларининг такомиллаштирилиши, ишлаб чиқаришнинг механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши, илғор технологиянинг жорий қилиниши меҳнат унумдорлигини оширишни, ишчи кучини тежашни ҳамда корхона ишидаги иқтисодий кўрсатчиларнинг яхшиланишини таъминлаши лозим.

Корхоналарда техника сиёсатини тўғри ва изчиллик билан амалга ошириш, конструкторлар, технологлар, лаборатория ходимлари ишини тўғри ташкил қилиш янги техниканы муваффақиятли жорий қилишнинг энг муҳим шартидир. Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармалар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари корхоналарда шундай шароит яратишлари зарурки, бош инженерлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишлардан халос бўлсиплар. Илғор корхоналарнинг техника кенгашлари ишини инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш новаторларини жалб қилган ҳолда ташкил этиш соҳасидаги тажрибасини кенг ёйиш керак.

Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника комитетга, халқ хўжалиги кенгашлари билан биргаликда республикадаги илмий-текшириш ишларини кенгайтириш ва ўйғунлаштириш тўғрисидаги, янги илмий-текшириш ташкилотлари тузиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, икки ой муддат ичида тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника комитети, халқ хўжалиги кенгашлари ҳамда илмий-текшириш ташкилотлари билан биргаликда халқ хўжалигида радиоактив изотоплар ва нурлардан фойдаланишни кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқиб икки ой муддат ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғига топширишлари зарур.

Республика партия ташкилотлари, Ўзсовпроф, Халқ хўжалиги кенгашларининг, министрликлар, бошқармалар ва корхоналарнинг раҳбарлари ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг ҳозирги замон техникасини жорий қилиш ҳамда ишлаб чиқариш техникаси даражасини ошириш билан боғлиқ проблемаларни муҳокама қилишда доимо актив иштирок этишларини таъминлашлари лозим. Рационализаторлар ва ихтирочилар билан ишлашни кескин яхшилаш, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ишлаб чиқаришга жорий қилиниши устидан контролни кучайтириш керак.

Саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш коллективларини янги техника, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларини муваффақиятли жорий қилишга сафарбар этиш мақсадида социалистик мусобақа якунлари чиқарилганда ва Қизил байроқлар берилишида янги техника бўйича белгиланган план ва тадбирларнинг бажарилиши мусобақа шартларининг энг муҳимларидан бири деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон КП область, шаҳар ва район комитетларининг эътиборини, Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар, бошқармалар ва корхоналар раҳбарларининг эътиборини республика халқ хўжалигини янада ривожлантириш суръатини ошириш учун техника тараққиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигига жалб қилади ва улар зиммасига ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, илғор технологияни жорий қилиш ишларини планли асосда муттасил ташкил қилиш вазифасини юклайди.

*МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!*

# Суғориш ва ғўза қатор ораларини ишлашни сифатли ўтказиб, барча майдонларда мўл ҳосил тўплайлик!

☆

## Яшил квадратларни тўртинчи марта ишламоқдамиз

30 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган бригадамиз аъзолари шу кунларда ғўзани тўртинчи марта комплекс парвариш қилмоқдалар. Ҳозирга қадар ғўза 4 марта узунасига, уч марта кўндаланг ва культивация қилинди, 2 марта озиқлантирилди.

Техниканинг ўз ихтиёримизда бўлиши ғўзани парвариш қилишда катта қулайликлар туғдирмоқда. Бригадага биркитилган 2 та «универсал» тўхтовсиз ишлаб турибди.

Биз КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини зўр ҳурсандчилик билан кутиб олдик. Бу қарор колхозчиларни ҳосилдорликни янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга даъват этади. Биз ҳар гектар ердан илгариги 30 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олиш, пахтанинг камида 90 процентини биринчи сортга топширишга аҳд қилдик. Олдинги мажбуриятдаги 150 тонна ўрнига 180 тонна пахта ҳосили етиштириш юзасидан оширилган мажбурият олдик. Ғўзаларимизнинг ҳозирги аҳволи ёмон эмас. Биз албатта ўз сўзимизнинг устидан чиқамиз.

Ҳозирда ғўзаларимиз текис гуллаб, кўсакламоқда. Бригадамиз аъзолари пленум қарорига амалий жавоб бериш иштиёқида, июль ойида ҳар бир ғўза тупидаги ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашмоқдалар.

**Маннон ҒАФФОРОВ,**
**Октябрь районидаги Сталин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.**

———

## *Ўсишдан қолган ғўзалар қўшимча парвариш қилинмоқда*

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари бу йил 720 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Ана шу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилаётган пахтакорлар ғўзаларнинг яхши ривожланишига, мўл ҳосил тўпланишига эришмоқдалар.

Бу йил кўкламда об-ҳаво ноқулай келганлиги сабабли 270 гектар ердаги ғўза бирмунча ўсишдан қолган эди. Колхоз правленияси ва бошланғич партия ташкилоти шу кеча-кундузда ана шу майдонлардаги ғўзаларни қўшимча парвариш қилиб, яхши ғўзалар даражасига етказиб олиш тадбирларини амалга ошираётирлар.

Бунинг учун етарли куч ва техника ажратилган, ғўзаси ўсишдан қолган карталарда моҳир механизаторлар, миришкор сувчилар ишламоқдалар. Улар ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилиб, ҳар тун ғўзанинг қониб сув ичишини таъминлаётирлар.

Ўша майдонлардаги ғўзалар ҳозир суюқ аммиак билан озиқлантирилмоқда. Шунингдек колхозчилар 876 тонна ғўнг ташиб чиқиб шу майдонлардаги ғўзаларга солдилар.

Бу тадбирларни амалга оширишда Пуритдин Валиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта Абдуллаева, Маҳамат Исоқов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар. Моҳир механизаторлардан Б. Тошматов, Ю. Ниёзов, Қ. Зияев, миришкор сувчилардан А. Каримов, Э. Қурбонов, Р. Тошев ўртоқларнинг хизматлари, айниқса, мактовга сазовордир.

Шу кунларда колхоз пахта далаларида бўлган кишининг баҳри-дили очилади. 4 марта комплекс парваришдан чиқарилган ғўзаларда 5-6 тадан кўсак пишиб етилмоқда.

**У. НИЁЗОВ.**

———

## Колхоз хўжалиги юксалмоқда

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхоз аъзолари шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қароридан сўнг колхоз зиммасида бир неча йиллардан бери боқимонда бўлиб келаётган 800.000 сўм маблағ кечиб юборилди ва шунингдек бу қарорда колхоз топширадиган пахтаси учун анча кўп пул олиши ҳам қайд қилинган.

— Партия ва ҳукуматимиз, биз колхозчилар учун роят кенг имкониятлар яратиб бераётир, — дейди колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Г. Ерденов. — Энди бизнинг вазифамиз бунга меҳнатда катта ютуқлар билан жавоб беришдир. Биз яқин 1-2 йил ичида илғор колхозлар сафига ўтиб оламиз.

Ҳозир колхоз далаларида меҳнат қизғин давом этмоқда. Колхозчилар пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ғайрат билан ишлаётирлар. Айниқса Қ. Мамедов, А. Музаффаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг қўлга киритаётган ютуқлари қувончлидир.

**И. ИБОДОВ.**

Ўрта Чирчиқ районидаги М. Горький номли колхознинг ғўза парваришида фидокорона меҳнат қилаётган кетмончиларн ва сувчилари. Суратда: (чапдан ўнгга) Муборак Сафаралиева, Ўразбой Жўраев ва Инобат Арслонова ўртоқлар. Улар ғўзани чопиқ қилиш ва суғоришда белгиланган нормани ошириб бажармоқдалар.
М. Шевелев фотоси.

* *

# Ғўзаларимиз ҳосилдор бўлади

Баҳорда иш юришмади. Негаки, ёғингарчилик кўпайиб кетиб экиш кечикди, чиғит ҳам кеч униб чиқди, ғўзалар энди бир-икки қулоқ бўлганда сел ёғиб, ҳаво салқин бўлиб қолди — ғўзанинг ўсиши секинлашди. Бунинг устига правление, партия ташкилоти катталанкичикни далага тўла сафарбар эта олмади. Оқибатда ғўзадан олдин далаларда ўт кўп ўсди. Далани ўтдан тозалаш мураккаблашди.

Худди ана шундай кунларнинг бирида раис ва парторгни райкомга чақиришди. Улар у ердан қовоқтумшуқлари осилган ҳолда қайтиб келишди. Раис ва парторг бригадирларни, звено бошлиқларини чақириб «икки оғиз қаттиқроқ» гаплашиб олишди.

Қизиқ воқеалар бўлади: раис ҳам, парторг ҳам, бригада ва звено бошлиқлари ҳам ҳозиргина райкомда айтилган гапларни ўзлари ҳам билар эдилар, ғўзани ўтдан тозалаш учун нималар қилиш уларнинг ўзларига яхшироқ аён эди. Хўш, шундай экан нима сабабдан ишни яхшиламадилар, токи райкомда «нордон» гап эшитмагунча ғўза парваришини кучайтирмадилар. Бу бепарволик эмасми?

Июнь ойининг ўрталарида иш юришиб кетди. Колхозчилар ҳам, механизаторлар ҳам яхшироқ ишлайдиган бўлиб қолишди. Раҳбарлар илгаригидек далага меҳмон бўлиб эмас, ишни яхшилаш учун келардилар, зарур ёрдамни шу ерда кўрсатиш, яхши ишламаётган айрим клишиларга шу ернинг ўзида танбиҳ беришиб, кўпчиликнинг унумли меҳнат қилиши учун яхши шароит яратиб беришга ҳаракат қилинарди. Райком колхоз раҳбарларга камчиликни айтиш билан чегараланмади, балки амалий ёрдам кўрсатди. Район марказидаги меҳнаткашлардан бир группаси шу колхозга ёрдамга юборилди. Ҳозир колхознинг ҳамма далаларидаги ғўза текис ривожланмоқда. Июнь ойида 10-12 кунга кечикаётган ғўзалар ростлаб олинди. Илғор бригадаларнинг даласидаги ҳар туп ғўзада кўплаб шона, гул ва кўсак бор.

Ерларнинг кўпчилиги паст-баландликлардан иборат бўлгани учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ана шу жойларда ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичишига, айниқса тунги суғоришга катта эътибор бераётирлар. Кейинги кунларда сувчилар сони кўпайтирилиши билан бирга уларнинг иши устидан назорат қилиб туриш тартибга солинди. Правление аъзолари ва партия ташкилоти белгиланган махсус кишилар кечалари юриб, тунги суғоришнинг қандай бораётганлигини, сувлан фойдаланиш қай аҳволдалигини текширадилар.

Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши хилма-хил бўлганлиги эътиборга олиниб, паст ғўзаларга қўшимча минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси солинаётир. Ҳозиргача айрим ердаги ғўза икки марта озиқлантирилган бўлса, бирмунча кечикаётган ғўзаларга тўртинчи марта озиқ бериб қондириб суғорилмоқда.

— Ғўзани шу, июль ойида ростлаб, текислаб олмасак мўлжалдаги ҳосилни етиштира олмаймиз, — дейди колхоз раиси Собиржон Каримжонов, — шунинг учун биз чопиқ ва культивацияни кучайтириш билан бирга ғўзани қўшимча озиқлантиришга, айниқса табақалаштириб озиқлантиришга катта эътибор бераётирмиз.

Колхозда ғўза парваришини кучайтиришда Тўлаш Ашуров, Аҳмад Турғунбоев каби универсалчилар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ғўза қаторларини белгиланган чуқурлик ва кенгликда юмшатмоқдалар, СУЗ билан ўғитламоқдалар.

Шу кунларда сувчиларнинг ишини кузатиш кўнгилни қувонтиради. Тун ярмида тошфонарь ушлаб қатор оралаб юрган, сувнинг жилдираб оқишига хиргойисини жўр қилган сувчилар сувдан олдин нам юриши керак, деган илғор сувчилар сўзига амал қилаётирлар. Колхозда З. Қорабеков, Э. Ғафуров, Ў. Ҳакимбеков каби сувчиларни каттадан-кичик ҳурмат қилади. Чунки улар колхозчи ва механизаторлар шу пайтгача қилган меҳнатни — қаторга солинган ўғитни, пешона тери тўкиб қилган чопиқ ва культивациянинг натижасини саратон суви орқали ғўза томирларига сингдирмоқдалар.

Колхозни ғўза парваришида илғорлар қаторига етказиб олишда Ш. Ҳолмирзаев, Й. Қодиров, Б. Тошев, М. Ирисбоев каби ўнлаб ўртоқлар ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Шулар ва шуларга ўхшаш фидокор колхозчилар, механизаторлар бу йил мўл ҳосил етиштирамиз, бултургининг ҳиссасини ҳам бу йил чиқарамиз деб айтмоқдалар ва шу сўзларининг устидан чиқиш учун курашмоқдалар.

Механизаторлардан Турғун Бойбўсинов, Малик Қуттибоев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган трактор-далачилик бригадаларининг ғўзаси жуда яхши ўсиб ривожланмоқда. Бу бригадаларнинг аъзолари ғўзани асосан механизация ёрдамида ишламоқдалар, улар ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

— Ғўза парваришининг дастлабки даврида йўл қўйилган камчиликларни тузатиб олдик, — дейди колхоз раиси ўртоқ С. Каримжонов, — бундан кейин ишни бўшаштирмаймиз, токи пахта пишиб очилгунча парваришни қизғин давом эттирамиз ва мўлжалдаги ҳосилни етиштирамиз.

**Т. ЙУЛДОШЕВ,**
**С. МАҲКАМОВ.**
Ўрта Чирчиқ районидаги М. Горький номли колхоз.

# Чеканка бошланди

1-Боёвут» совхозининг 3-бўлимидаги Т. Абдалиев бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг ишчи ва механизаторлари парвариш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиб, ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланишига эришдилар. Бригада ғўзалари сершох бўлиб етишмоқда. Шунинг учун улар танлаб чеканка қилишга киришдилар. Ўртоқ Абдалиев раҳбарлик қилаётган бу трактор-далачилик бригадасига биркитилган 180 гектар ердаги ғўза ҳозиргача 3 марта комплекс парвариш қилинди.

Ўртоқ Абдалиев бошлиқ бу бригаданинг пахта майдонларидаги ғўзаларнинг ҳар бир тупида 15-16 тадан ҳосил шохи, 8-10 тадан бўлиқ кўсак ва 20 га яқин шона ва гуллар бор.

Шунингдек райондаги «Коммунизм» колхозининг илғор бригадаларида ҳам чеканка бошланди. (ЎзТАГ).

# Ҳозир кўзбўямачилик қилсанг, кузда хирмонингда пахта кам бўлади

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхозда ғўза парвариши қониқарсиз аҳволда, айниқса кўндалангига культивация қилиш эътибордан четда қолаётир. Колхоз раиси, олий маълумотли агроном Отабоев ғўзани икки томонлама ишлашнинг роят афзаллиги тўғрисида қўйиб берсангиз соатлаб гапиради, лекин ўзи раҳбарлик қилаётган колхозда кўндалангига ишлатилиши зарур бўлган тракторлар аллақачон тўхтатиб қўйилган.

Нима учун? Эҳтимол колхозда ғўза яхши ўсиб, шохлари бир-бирига киришиб, тракторнинг кўндалангига юриши учун имконият йўқдир. Қаёқда дейсиз, ҳали бу колхозда ер бетини яхши бекитмаган ғўзалар бор. Шу тўғрида раисга гапирсангиз:

— Ишонаверинг, агрономия қоидаслни бизлан яхши биладиган киши бу атрофда топилмайди, яна бир ҳафтадан кейин ғўзамиз ҳамма колхозларникидан ҳам яхши бўлиб кетади...

Отабоев колхозга ким келса, бирган сўраса унинг қўйнини шу хилда пуч ёнғоққа тўлдиради. Ў қилинмаган ишни қилинди деб маълумот беришга ҳам уста. Райондагилар Отабоев имзо чеккан сводкала ғўзани кўндалангига ишлаш яхшилигини кўриб хурсанд бўлган эдилар. Текширилганда нима бўлди, денг. Сводканинг кўндалангига ишлаш графигига келганда у ердаги рақамга 225 гектарни қўшиб, бир қалам туртиш билан Отабоев сувдан қуруқ чиққан экан.

Ваҳоланки, колхознинг 4-бригадасида 40 гектар, 7,3-бригадаларида ўнлаб гектар ердаги ғўза кўндалангига культивация қилинмаётгани учун ўсишдан ва ривожланишдан анча кечикмоқда.

Сводка рақамини кўпайтириб ўзгартиришда шу колхозга қўшни бўлган Тельман номли колхоз раиси Сафар Бўриев ҳам қолишмайди. Бу колхозда ҳам тракторлар кўндалангига ишламаётир, лекин сводкада ишлар юз,

Отабоев, Бўриев ўртоқлар, унутманг, ҳозир кўзбўямачилик қилсангиз, кузга борганда хирмонингизда пахта кам бўлиб, уялиб қоласизлар.

**(Мухбир хабаридан).**



— Колхоз раиси Отабоев иш устида.
М. Леушин чизган раем.

☆

## Бўлиқ кўсакларни кўпайтириш учун

**Янгийўл.** Свердлов номли колхознинг ўртоқ Саидакбар Фозилов бошлиқ бригада аъзолари ўзаро социалистик мусобақа ғолиблари ҳисобланадилар. Улар йил бошида 77 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,2 центнердан ҳосил етиштирамиз, деб ваъда берган эдилар. Ана шу аҳднинг уддасидан чиқиш учун 60х60 схемасида ўстирилаётган ғўзалар ҳар тарафлама сифатли парвариш қилинмоқда. Культивация, озиқлантириш ва суғориш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилаётир.

Бригаданинг моҳир универсалчиси Ўртоқ А. Қосимов ғўза қатор ораларини шу кунгача 3 марта узунасига ва кўндалангига сифатли культивациядан чиқарди. Ҳозир эса миришкор сувчилар — З. Маҳкамов, М. Матзокировлар қондириб суғорган карталардаги ғўзаларни 4-марта культивация қилмоқда.

Бригада аъзолари ғўзаларни табақалаштириб парвариш қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Баъзи карталардаги ўсишдан қолаётган ғўзалар қўшимча равишда минерал ва маҳаллий ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирилмоқда. Бу соҳада Э. Ҳамидов, М. Рихсиева, К. Асамова, Л. Абдуллаева ўртоқлар астойдил ишлаб, мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Шунингдек, райондаги «XIX партсъезд» колхозининг ўртоқ М. Халилов бошлиқ бригадасида ҳам ғўза парвариши кундан-кунга кучайтирилаётир. Июль ойининг охиригача ҳар туп ғўзада камида 7-8 талан тўқ кўсак тўпланишини таъминлаш учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Х. ЖАЛОЛОВ,**
**У. ОТАКИШИЕВ.**

———

# *Далалардан дараклар*

**Бекобод.** 2-«Далварзин» совхозининг 1-бўлимининг тюпкочи механизаторлари Жўра Абдиалиев ва Мамасидиқ Эргашевлар ғўза қатор ораларини механизация ёрдамида икки томонлама ишлашда юқори кўрсаткичга эришмоқдалар.

Шунингдек Ленин номли колхознинг тюпкочи механизаторлари Султон Эдилов бошлиқ звенода ва «Большевик» колхозининг Бердиқул Мирзақулов бошлиқ бригадасида ғўзалар ёппасига шоналаб гуллай бошлади. Намунали парвариш қилинаётган бу ғўзаларда кўплаб ҳосил тугунчалари пайдо бўлмоқда.

**Б. Каримов, К. Тўйчиев.**
**М. Аҳмедов, Т. Абдураимов.**

* * *

**Оржоникидзе.** Сталин номли колхознинг коммунист Сожида Аҳмедова, Ўғил Норматова, Комил Гулмирзаев бошлиқ бригадаларида ғўзалар намунали парвариш қилинаётганлиги учун кўплаб ҳосил тугмоқда. Колхознинг А. Худойназаров, Ў. Нортоев, М. Бориев, Р. Юсупов каби илғор сувчилари, Қ. Ғойибназарова, Ў. Ғойибназарова, Р. Холмирзаева, З. Рустамова, Ҳ. Саидрасулова, Ҳ. Қорабоева каби илғор аъзолари кунлик нормаларини ортиғи билан бажариб, социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар.

Шунингдек Ленин номли колхознинг Ю. Раззоқов ва Р. Раҳмонов бошлиқ бригадаларида ғўза парвариши намунали ўтказилмоқда.

**А. Латипов, М. Ҳасанов.**

* * *

**Чиноз.** Оржоникидзе номли колхознинг Турсунмурод Бобоёров, «XIX партсъезд» колхозининг Муҳаммаджон Холиқов бошлиқ бригадаларида, Ленин номли колхознинг Маҳмуджон Холиқов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида ғўзалар ёппасига ҳосилга кира бошлади.

— Биз 42 кишидан иборат бригада тузиб 152 гектар ердан 5320 центнер ҳосил йиғиб оламиз деб айтганимизда колхоздаги кўп кишилар бунга шубҳаланган эдилар, — дейди трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Маҳмуджон Холиқов, — мана ҳозир ғўзаларни чопиқ қилмай, асосан механизация ёрдамида икки томонлама сифатли ишлаганимиз учун, ғўзаларимиз бошқаларникига қараганда тезроқ ҳосилга кирмоқда.

Ҳозир бу бригадада учинчи парвариш қизғин тус олиб кетди.

**А. Тоғаев, Н. Саидов,**
**Қ. Утелов, Х. Мусурмонқулов.**

Тошкентдаги транспорт машинасозлиги заводи коллективи шу кунларда социалистик мусобақани тобора қизитмоқда. 3-механика цехининг аъзолари июнь ойи программасини муваффақият билан якунлади. Суратда: шу цехнинг моҳир токари Сайфулла Саъдуллаев иш устида.

А. Абдуазимов фотоси.

# Коллективнинг отахони

Умаржон ака завод майдонидаги асфальт ётқизилган йўлдан шахдам қадам ташлаб борар экан, унинг олдидан уч-тўрт хотин-қиз ишчи кесиб чиқди.

— Ўртоқ Усмонов, биз Сизни қидириб юрган эдик, — дейишди улар.

— Хўш, хизмат? — мулойимлик билан сўради Усмонов.

— Шикоят билан келдик.

— Қандай шикоят, эшитаман, гапиринг.

— Заводимиз магазинига хотин-қизлар пойафзали келган экан. Харидорларнинг гапига қараганда туфлилар ортиқча баҳо билан сотилаётганмиш. Биз магазин ходимидан товарнинг фактурасини кўрсатишни талаб қилсак, у бундан бош тортди. Сиз ишчи контролсиз, шу сабабли биз билан бирга магазиндаги аҳволни текширсангиз.

Усмонов хотин-қизлар билан бирга ликда магазинга келиб, сотувчига ишчи контроль гувоҳномасини кўрсатди ва аёллар туфлисининг фактурасини кўрсатишни талаб қилди. Магазин сотувчисининг ранги бўздай оқариб кетди, у алланималар деб ғудуллади, сўнг ноилож товар фактурасини ишчи контроль қўлига берди. Фактурада пойафзалнинг баҳоси 60 сўм 70 тийин кўрсатилган эди. Усмонов ёнидаги турган аёлдан сўради:

— Сиз туфли учун қанча тўладингиз?

— 128 сўм.

— 128 сўм?! — Усмонов кўзларини катта-катта очиб ишонқирамай сўради.

— Ҳа, биз ҳам 128 сўм тўладик, — деди атрофдагилардан бир неча киши.

Сотувчи бир нима демоқчи бўлар, бироқ унинг тили айланмас эди. Ҳар бир пойафзалнинг устига қарийб 70 сўмдан ортиқча баҳо қўйиб сотилганлигини билган харидорлар қаттиқ ғазабланиб, ғала-ғовур кўтардилар. Умаржон ака уларни тинчитди. У, савдо қилинган пулларни ҳисоблаб чиқиб, сотилган моллар сонига тақсимлади. Натижада жуда кўп пул ортиқча чиқди. Шу ерда ҳозир бўлганлар иштирокида магазин сотувчиси Глифановнинг ҳаддан ташқари виждонсизлиги тўғрисида акт тузилди. Ишчи контроли Умаржон Усмонов ортиқча пулларни пойафзал олган ишчиларга қайтариб берди. Тузилган акт тегишли ташкилотга юборилди ва муттаҳам савдо ходими Глифанова қилмишига яраша жазоланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умаржон ака 16 йилдан бери Тошкент транспорт машинасозлиги заводида ишлаб келаётир. У ҳозир қуюв цехида бригадага бошчилик қилаётир. Унинг бригадаси коллектив ўртасида бошланган социалистик мусобақада доимо илғор ўринлардан бирида келмоқда. Умаржон ака фақат ишлаб чиқариш илғоригина бўлиб қолмасдан, балки шу билан бирга коллектив манфаати учун жон куйдирувчи актив жамоатчи ҳамдир. Уни корхонадагиларнинг ҳаммаси ишни билади ва ҳурмат қилади. Коллектив уни тўртинчи марта завод касаба союз комитетининг аъзоси қилиб сайлади. Корхонадагиларнинг ҳаммаси бирор маслаҳатли иш бўлса, Умаржон акага мурожаат қилишади. Усмонов уларнинг ҳар бирига ўзига яраша жавоб беради, йўл-йўриқ кўрсатади, қўлидан келган ёрдамини аямайди. Шу сабабли ҳам заводдагилар Умаржон акани ўрта ёшларда бўлишига қарамай отахонимиз деб аташади.

Умаржон Усмонов ёшларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш соҳасида ҳам катта иш олиб бораётир. У, армия сафларидан бўшаб келган ҳамда ўрта мактабни битирган ёшларни уларнинг хоҳиши, қизиқиши ва мойиллигига қараб турли участкаларга ишга жойлаштирмоқда. Сайидаҳмад Мираҳмедов, Темир Раҳматуллаев, Жалил Мирҳусанов каби жуда кўп ёшлар Умаржон акани бир умр эсларидан чиқармайдилар. Ахир Умаржон ака уларни корхонага биринчи марта олиб келган ва шу ерда ишлашга маслаҳат берган эди-да. Ҳозир бу ёшлар яхши ҳунар эгаси бўлиб етишдилар. Улар Бутуниттифоқ ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 40 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, смена топшириғини 220-250 процентгача етказиб бажараётирлар.

Касаба союз ишларида актив қатнашганлиги учун СССР Олий Советининг Президиуми ишлаб чиқариш илғори, актив жамоатчи Умаржон Усмоновни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Умаржон ака бу олий мукофотга жавобан коллектив манфаати йўлида янги куч, янги ғайрат билан ишламоқда.

Э. АЗИМОВ.

# Қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини кенгайтирайлик

Уй-жой капитал қурилиши ҳажмининг тобора кенгайиб бораётганлиги, бинокорлик ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини янада кенгайтириш индустриал методларни кенг қўлланиш билан бирга материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишни талаб этади. Кейинги вақтда областимизнинг айрим қурилиш ташкилотлари темир-бетон буюмларидан тобора кенг фойдаланмоқдалар. Бу эса бинонинг сифатли бўлишини таъминлаб, қурилиш суръатларини янада тезлаштириш имконини бермоқда.

Шунинг учун ҳам йирма темирбетон блоклари тайёрлашни кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилаётир.

Лекин умуман олганда қурилиш ташкилотларида ҳали ҳам темирбетон блоклари етишмаётир. Бунга сабаб шуки, кўпгина қурилиш ташкилотларида темир-бетон буюмларини қурилиш объектининг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этишга аҳамият берилмаётир. Бундай қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари заводга ишониб, кўп ҳолларда бинокорлик ишларининг тўхтаб қолишига сабабчи бўлаётирлар. Бунга жумладан, бизнинг 32-трестга қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тўғри, Шофайзиқулоқ массивида қурилаётган йирик сабзавот сақлаш склади қурилишида турли хил бетон буюмлари тайёрланиб, ундан рационал фойдаланилаётир. Бироқ бу ерда тайёрланаётган темир-бетон буюмларининг хили объект эҳтиёжини тўла қондира олмайди. Натижада қурилиш объектининг айрим участкаларида материал етишмаслигидан иш тўхтаб қолаётир. Шу сабабли бетон ишлари билан шуғулланадиган юқори малакали ишчилардан иккинчи даражали участкалардаги ёрдамчи ишларни бажаришда фойдаланишга тўғри келмоқда. Бу, биринчидан, маош фондининг ортиқча сарфланишига, иккинчидан, ишчилар моддий манфаатдорлигининг камайишига олиб келаётир. Буни нормал бир ҳол деб бўлмайди, албатта.

Мисол учун Шота Руставели кўчасида қурилаётган 36 ҳамда 20 квартиралик уй-жой қурилишини олайлик. Афсуски, бу бинога пойдевор қўйилганидан буён қарийб беш йил вақт ўтди. Биз пудратчи ташкилот сифатида бинони 1957 йилнинг 1 Май байрамигача фойдаланишга топшириш ҳақида ваъда-устига ваъда бериб юзимиз шувит бўлиб қолди. 36 ва 20 квартиралик бинонинг собиқ прораби Ўртоқ Абрамов объектнинг ўзида бино учун зарур бўлган ўртача ва кичик габаритли йирма темир-бетон блокларини ишлаб чиқаришни ташкил этмади. Объект узоқ вақт давомида Олмалиқ ва Тошкентдаги айрим темир-бетон заводларидан маҳсулот олиб турди. Табиийки, айрим вақтларда бу заводлар темир-бетон плиталари ва блоклари етказиб беришга улгира олмаган. Ана шундай долзарб кунларда бу объектдаги ишчи кучлари ва механизмлар бекор туриб қолдилар. Агар Ўртоқ Абрамов ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиб, жойнинг ўзида лоақал дераза перимичкалари, болохона блоклари сиғари темир-бетон буюмларини ишлаб чиқаришни ташкил этганда эди, бу катта объект аллақачонлар фойдаланишга топширилган бўлур эди.

Шу йилнинг май ойида бу объектда бирорта ҳам гишт терилган эмас. Бунинг сабаби шуки, 20 квартирали бинонинг учинчи қавати тикланганидан сўнг этажлараро ёпинчлар етишмади. Шу сабабли тўртинчи қаватни кўтариш мумкин бўлмади. Оқибатда гишт терувчилар бригадаси бир ой мобайнида иккинчи даражали ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Бу ҳол маош фондини ҳаддан ташқари ошириб юборди ва давлатга бир неча ўн минг сўм зарар етказилди.

Республикамизда ва айниқса қурилиш ишлари кенг ҳажмларда олиб борилаётган бизнинг областда бинокорликни тўла индустрлаштириш, асосий иш процессларини механизациялаштириш учун ҳамма имкониятлар бор. Ҳозирги вақтда бирорта йирик қурилиш объекти йўқки, унда йирик темир-бетон конструкцияларидан кенг қўлланилмаётган бўлсин. Лойиҳалаш ташкилотлари ҳам проект-смета ҳужжатларини ишлаб чиқаётганларида қурилишда темир-бетон буюмларидан янада кенг фойдаланишни назарда тутмоқдалар.

Лекин ҳозирги вақтда темир-бетон буюмлари ишлаб чиқараётган заводларнинг камлиги ҳамда уларда тайёрланаётган маҳсулот хилларининг озлиги қурилиш ишларини тез суръатлар билан олиб боришга ҳалақит бермоқда. Бевосита қурилиш ташкилотларига қарашли унча катта бўлмаган полигон заводлари эса яхши ишламаётирлар. Трестимизга қарашли барча темир-бетон буюмлари тайёрловчи участкаларда сўнгги 4-5 йил мобайнида уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган бирорта амалий ишлар қўрилгани йўқ. Бу участкаларда тайёрланиб, қурилиш объектларига юборилаётган бинокорлик материалларининг сифати яхши эмас. Қурилиш объектларидаги ишларга бевосита раҳбарлик қилаётган прораб ва десятниклар эса келтирилаётган темир-бетон буюмларидан тежаб-тергаб фойдаланишга дурust эътибор бермайдилар. Шуни айтиш кифояки, шу йилнинг биринчи, иккинчи кварталида Янгибозордаги уй-жой қурилиши объектларида, шунингдек Тошкентдаги баъзи объектларда қарийб 60 минг сўмлик темир-бетон буюмлари ва неча ўн минг сўмлик бошқа хил бинокорлик материаллари исроф қилинган.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, объектларда бинокорлик материалларини ёғин-чочиндан сақлайдиган майдончалар йўқ, транспортировка вақтида уларни авайлаб ортиш ва туширишга яхши эътибор берилмайди.

Қурилиш бошқармамиз май, июнь ойи планини бажара олмади. Бунинг сабаби маълум: деярлик ҳамма объектларда бинокорлик материаллари етишмади ва бунинг устига мавжуд бинокорлик материалларидан тежаб-тергаб фойдаланилмади. Шу билан бирга бизга энерт материалларини ташиб берувчи 47-автобаза (бошлиғи Ўртоқ Шелякин) маъмуриятининг ўтакетган масъулиятсизлиги орқасида май ва июнь ойида қарийб 3 минг тонна материал кам ташиб берди. Шуниси ажабланарлики, Ўртоқ Шелякин энерт материалларини ташиб бериш учун ажратилган маблағни биздан март ойилаёқ олган эди. Биз ўтказган 40 минг сўм маблағ уларнинг счётида 3 ойдан бери турибдику, бироқ июннинг иккинчи ярмида ва июль ойининг биринчи ўн кунлигида бирор тонна ҳам энерт материаллари олганимиз йўқ. Қўйлиқ қум-шағал карьерининг директори Ўртоқ Азизов ҳам энерт материалларини ўз вақтида етказиб бериш тўғрисида қайғирмаётир.

Қурилиш-монтаж бошқармамизда автотранспортдан, шунингдек кўтарма кранлар, экскаватор ҳамда бошқа қурилиш механизмларидан рационал фойдаланишга унча эътибор берилмаётир. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, арзимаган сабаб билан бузилиб қолган кўтарма кранлар баъзан ойлаб бекор туриб қолади. Қурилиш-монтаж бошқармаларининг бош механиклари механизмларнинг ишлари устидан техника контролини олиб бормайдилар. Экскаваторчи ҳамда кранчиларга вақт-вақти билан инструктаж бериб турилмайди.

Ҳар бир қурилиш раҳбари бинокорлик ишларини тез суръатлар билан олиб боришда ҳал қилувчи восита бўлган механизмларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирларни системали суратда амалга ошириб боришлари керак. Эндиликда кўтарма крансиз бинокорлик ишларини олиб бориш асло мумкин эмас. Шу сабабли ҳар бир механизмнинг тўхтовсиз ишлашини кузатиб бориш, агар у ишдан чиқиб қолгундай бўлса- тезроқ тузатиш чорасини кўриш керак. Шундагина биз қурилиш юзасидан давлат программасини муваффақиятли ҳал эта оламиз.

А. БАРАБАШ,

32-трестга қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош бухгалтери.

## Новаторлар таклифи билан

Ҳалқимизда етти марта ўлчаб бир марта кес, деган ҳикматли мақол бор. Ҳақиқатан ҳам бичувчи қанчалик уста бўлса, ишлатилаётган материаллдан шунчалик мақсадга мувофиқ фойдаланиш мумкин, чиқит кам чиқади, бинобарин тайёрланадиган маҳсулот арзонга тушади.

Темирчилик-пресс цехининг старший мастери Ўртоқ Саферов машина деталлари бичилаётганда жуда кўп металлнинг чиқитга чиқаётганини кўриб, ич-ичидан ачинди. Бу нарса унга тинчлик бермади. Юрганда ҳам, турганда ҳам мастер ана шу ҳақда ўйлай бошлади. Охири у деталлар бичишнинг янги, анча такомиллашган усулини топди. Ана шу усул билан металл бичилганда, ҳар бир машинага кетадиган деталлардан 37 килограмм 300 грамм ҳомашё тежаб қолинадиган бўлди. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, бу таклиф йилига цех коллективига давлатнинг 70 минг сўмликдан ортиқ маблағини тежаб қолиш ва тежалган ҳомашё ҳисобига кўпгина узель ва запас қисмлар ишлаб чиқариш имконини беради.

«Чирчиксельмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўртасида ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш ҳамда мавжуд асбоб-ускуналардан маҳсулот олишни кўпайтиришга имкон берувчи резервларидан тўла ва унумли фойдаланиш учун бошланган ҳаракат тобора кенгайиб бормоқда.

Йил бошидан бери корхона БРИзига юздан ортиқ таклиф тушди. Биргина апрель ойида амалга оширилган таклифларнинг ўзи давлатнинг 300 минг сўмлик маблағини тежаб қолиш имкониятини берди.

И. СУЛТОНОВ.

# Бекобод мактаблари янги ўқув йилига тайёр

Мактабларни янги ўқув йилига барвақт ва беками-кўст тайёрлаш мактабларда таълим-тарбия сифатини яхшилаш ва политехник таълимни кенг жорий қилишда катта роль ўйнайди. Бекободликлар бу соҳада жуда катта ташаббус кўрсатаётирлар. Ўтган йиллардагидек бу йил ҳам Бекобод шаҳар партия, совет ташкилотлари ва жамоатчилиги мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлади. Шаҳарларги 11 мактабдан 8 таси капитал ва 3 таси жорий ремонтдан чиқарилди. Мактаблар, ўқув инвентарлари сифатли ремонт қилинди. Деярлик барча мактабларда ошхоналар ташкил этилди. Мактабларнинг таълим устахоналари кенгайтирилди ва жиҳозланди. Барча мактаблар учун қишга ёқилғи ҳозирлаб қўйилди.

Шаҳар мактабларини республикада биринчи бўлиб янги ўқув йилига тайёрлашда оталик ташкилотларининг ёрдами жуда катта бўлди.

Шаҳардаги Дзержинский номли цемент комбинати (директори Ўртоқ М. Ополоник) 1-ўрта мактабга оталик қилади. Оталик ташкилотининг ёрдами билан мактаб биноси ва ўқув инвентарлари 7 июлдаёқ ремонтдан чиқарилди. Мактаб учун 100 тоннадан ортиқ ёқилғи ҳозирланди. Барча ўқитувчиларнинг квартиралари ремонт қилиб берилди. Мактаб учун каттагина спорт майдони, махсус ошхона қурилиб, керакли инвентарлар билан жиҳозланди. Бу йил токарлик, слесарлик ва дурадгорлик хоналари бўлган таълим устахонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Комбинат устахонани темир қирқадиган 40 мотор, цемент майдалайдиган станоклар ва бошқа материаллар билан жиҳозлаб берди. Таълим устахонаси ёнида автокласс қурилди. Мактабга доимий фойдаланиш учун автомашина берилди. Комбинат маблағи, ишчилари ва мактаб ўқувчиларининг ёрдами билан катта теплица қурилаётир. Яқин ўртада теплица ҳам битказилиб, фойдаланишга топширилади.

Ўзбекистон металлургия заводи оталигидаги мактабларга бераётган ёрдами ҳам диққатга сазовордир. Завод ишчилари ўтган йили 9 мактаб учун икки қаватли янги бино қуриб бердилар. Бу йил 2- ўрта мактаб биноси ва инвентарлари завод маблағи ва ишчиларининг кучи билан сифатли ремонтдан чиқарилди. Икки хонали таълим устахонаси қурилди. Бу устахонада 40 ўқувчининг амалий иш билан шуғулланиши мумкин. Мактаб учун қурила бошлаган 60 квадрат метр теплица янги ўқув йилигача фойдаланишга топширилади.

10-СМУ қурилиш ташкилоти (бошлиғи Ўртоқ А. Могилевский)нинг 3-ўрта мактабга, қум-шағал карьери (раҳбари Ўртоқ А. Афесяников)нинг 4-етти йиллик мактабга, Фарҳод ГЭС (директори Ўртоқ Қ. Саломов)нинг 7-етти йиллик мактабга, пахта тозалаш заводи (директори Ўртоқ Я. Гадушкин)нинг 6- етти йиллик мактабга берган ёрдамлари ҳам мақташга арзирликдир.

Бу йил мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам актив иштирок этдилар. Ўқитувчилардан 4 қурилиш бригадаси тузилди. Бу бригадаларнинг аъзолари ремонт ишларида қатнашдилар. 1-ўрта мактаб практикум ўқитувчиси С. Суткованков, 3-ўрта мактаб ўқитувчиларидан О. Одилов, Ю. Мухсинов, О. Мақсудова, Ў. Жўраев, 9- мактаб ўқитувчиси Ф. Жамолиддинов, 2- ўрта мактаб ўқитувчиси Лелонсек ўртоқлар ремонт ишларида актив қатнашиб бошқаларга намуна бўлдилар. Шунингдек 17 та ўқувчи комсомоллар бригадаси тузилди. Бу бригадаларга жалб қилинган 340 киши мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлаш ишига ҳисса қўшдилар. 3-ўрта мактаб спорт майдони ва теплицаси, 6-етти йиллик мактаб таълим устахонаси, 2-ўрта мактабнинг автокласси ўқувчи комсомоллар кучи билан қурилди.

Бекобод шаҳар партия, совет ташкилотлари ҳамда жамоатчилиги учун традиция бўлиб қолган янги ўқув йилига барвақт тайёрланиш яхши натижа бермоқда. Ўтган ўқув йилида 1, 2, 9 ва 10-мактабларда мутахассислаштирилган синфлар ташкил этилган эди. Бу ўқувчиларни амалий меҳнатга ва саноат корхоналардаги машиналарни ишлата билишга ўргатишда яхши натижа берди. Шаҳар халқ маорифи бўлими буни назарда тутиб, бу йил ихтисослаштирилган синфлар сонини 10 га етказиш учун тайёргарлик ишларини амалга оширмоқда. Бу синфларда ўқувчилар токарликни, дурадгорликни, темирчиликни ҳамда шоферликни мустақил ўрганадилар. 10-синфни битирганларида ҳам етуклик аттестати, ҳам бирор ихтисос эгаси бўлганликлари ҳақида тегишли ҳужжат оладилар. Шу ихтисос бўйича саноат корхоналарида ишда қоладилар.

Маълумки, ёшларимизни ҳозирги замон техникасини биладиган кишилар қилиб тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг ўзларидан ҳам техникани яхши билишни талаб қилади. Ўтган ўқув йилида шаҳар мактабларида шоферликни ўрганиш тўғараги ташкил этилган эди. Мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари ва ўқитувчиларидан 20 дан ортиқ киши шоферлик ҳуқуқини олди. Янги ўқув йилида ўқитувчилар учун 1, 3-ўрта мактабларда токарлик ва слесарлик тўғараклари ташкил этиш учун тайёргарлик кўрилаётир.

Ўқувчи қизларни уй-рўзғор ишларига ўргатиш таълим системасида муҳим масаладир. Ўтган ўқув йилида шаҳардаги 1 ва 7-мактабларда ташкил этилган ошхоналарда ўқувчилар ҳар хил овқатлар тайёрлаш, овқатни лаззатли қилиш каби ишлар билан шуғулландилар. Уларнинг озодаликка эътибор беришлари ва лаззатли овқатлар тайёрлашлари назорат қилиб борилди. Натижада кўпгина ўқувчи қизлар ҳар хил овқатларни даззатли тайёрлашни ўрганиб олдилар. Янги ўқув йилида барча мактабларда ошхоналар бўлиши бу ишни кенг кўламда амалга ошириш имконини беради. Шунингдек шаҳар халқ маорифи бўлими бир қатор мактабларда қизлар учун тикувчилик тўғараклари ташкил этмоқчи.

Бекобод шаҳар партия, совет ташкилотлари ёзги соғломлаштириш мавсумини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Шу кунларда шаҳарда, саноат корхоналари қошида ва мактабларда ташкил этилган пионер лагерларида 4000 га яқин ўқувчи дам олмоқда.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, сиртдан ўқувчи ўқитувчиларнинг ёзги сессияларга мунтазам қатнашишларини таъминлаш, янги ўқув йили учун ўқитувчи кадрлар таплаш ишлари ҳам намунали ташкил этилган.

Шаҳардаги ўқув ёшида бўлган болалар қайта рўйхатга олиб чиқилган.

Тошкент район партия, совет ташкилотлари ҳамда жамоатчилигининг мактабларда машғулотларни бир сменага кўчириш ҳақидаги ташаббусини Бекобод шаҳар жамоатчилиги пухта ўрганиб чиқди. Янги ўқув йилида 11- ўрта ва 7- етти йиллик мактабларда ўқиш машғулотлари бир сменага кўчирилади. Янги ўқув йили давомида эса Бекобод районидан ўтган территорияда 600 ўқувчининг бир сменада ўқишига мўлжалланган типовой ўрта мактаб-биноси қурилиши бошланади. 1, 3, 6-мактабларда қўшимча бинолар қурилади. Шу тарика яқин икки-уч йил ичида барча мактабларда ўқиш машғулотлари бир сменага кўчирилади.

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашдаги бекободликлар ташаббуси барчага намуна бўлардидир

Бекобод шаҳар мактаблари янги ўқув йилига тайёр.

Д. ЮНУСОВ.

БИБЛИОГРАФИЯ

# Яқин ва Ўрта Шарқ ҳақида китоб

Чиройлик ишланган китоб муқовасида катта хурмо дарахтлари, кўкка туташиб кетган шарқ миноралари, нефть вишкалари ва нефтни қайта ишлаш заводлари, туялар карвони... акс этган. Бу манзараларни кўрган киши китобнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига бағишланганлигини дарров билиб олади.*

Бу китоб шу йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтаётган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига бағишланган.

Совет халқлари Осиё ва Африка мамлакатлари, шу жумладан Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари ҳаётига, уларнинг озодлик, миллий мустақиллик учун ва мустамлакачи давлатларнинг агрессив сиёсатларига қарши курашларини зўр ҳайриҳоҳлик билан кузатиб бормоқдалар. Мамлакатимизда Ўрта ва Яқин Шарқдаги аҳволга қизиқиш тобора кучаймоқда.

Китоб авторлари совет ва чет эл матбуоти ҳамда бошқа материаллардан кенг фойдаланиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг давлат ва сиёсий тузуми, иқтисодий ва маданий ҳаётини баён қиладилар. Ҳар бир мамлакатнинг қисқа тарихий очеркини берадилар ва ҳозирги ички сиёсий аҳволини ёритадилар.

Биз мустамлака системаси емирилаётган, инсоният учун шармандали лоғ бўлган мустамлакачилик балосининг тамомила тугатилиши тарих томонидан кун тартибига қўйилган бир вақтда яшамоқдамиз. Бунда Осиё ва Африка қитъаларидаги кўпгина мамлакатларнинг эрксевар халқлари олиб бораётган кураш катта роль ўйнамоқда. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўтган 12 йил мобайнида мазкур мамлакатларда яшовчи мустамлака исканжасидаги аҳолининг 80 проценти, яъни 1,3 миллиарддан ортиқ киши сиёсий мустақилликни қўлга киритди. Мустамлака ва қарам мамлакатларда ҳали ҳам 150 миллионга яқин киши яшайди, лекин улар колонизаторларнинг эзилмига, ўзлари устидан ҳукмронлик қилишига энди йўл қўя олмайдилар, шунинг учун ҳам улар мустамлакачиларга қарши курашни бу ҳаракатига ер юзидаги миллион-миллион кишилар хайриҳоҳ бўлмоқдалар.

КПСС XX съезди резолюциясида кўрсатилганидек, улуғ Ленин башорат қилиб олдиндан айтган Шарқ халқлари бутун дунё тақдирини ҳал қилишда актив иштирок этадиган, халқаро муносабатларни ҳал килишда қудратли факторга эга бўладиган давр, кишилик тарихидаги янги давр келди.

Империализмнинг мустамлакачилик системаси айниқса Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида чуқур қризисни бошдан кечирмоқда. Урушдан кейин ривожлана бошлаган бу мамлакатлар катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Уларнинг кўпи Ғарб давлатларининг империалистик ҳарбий-сиёсий группаларга тортишдан иборат урининшларини рад қиллилар. Сиёсий мустақилликка эга бўлган бу давлатлар империалистик давлатларга иқтисодий жиҳатдан қарамликдан халос бўлиш учун курашмоқдалар.

Яқин ва Ўрта Шарқ сиёсий-иқтисодий ва стратегик жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлган райондир. Бу район халқаро муносабатларда ҳамда жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнайди.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг умумий территорияси 11 миллион квадрат километрни ташкил қилиб, бунда 150 миллионга яқин аҳоли яшайди. Яқин Шарқ мамлакатлари Миср, Сурия, Ливан, Туркия, Исроил, Иордания, Ироқ, Саудийлар Арабистони, Яман, Судан, Оден, Уммон (Маскат), Шартномали Уммон, Катар, Кувайт, Бахрайн ва Кипрдир. Ўрта Шарқ мамлакатларига Афғонистон ва Ғарбий Покистон ҳам киради. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бир-бирларидан давлат тузилишлари, экономика ва маданиятларининг даражалари ҳамда халқаро мавқелари билан фарқ қиладилар, Миср ва Сурия давлатлари шу йил февраль ойида ягона бир давлатга — Бирлашган Араб Республикасига уюшдилар. Туркия, Ливан, Исроил, Судан ва Покистон ҳам республика деб эълон қилинган. Эрон, Афғонистон ва Иордания конституцияли монархия давлатларидир, Оден, Уммон (Маскат), Шартномали Уммон, Катар, Кувайт, Бахрайн инглиз протекторати бўлса, Кипр ва Оденнинг бир қисми Англия мустамлакасидир. Бирлашган Араб Республикаси, Афғонистон, Судан, Яман мустакил давлат бўлиб, ўз сиёсатларини мустақил равишда олиб бормоқдалар. Туркия, Эрон, Покистон мамлакатлари эса империалистларнинг агрессив блокларига аъзо бўлиб, улар олиб бораётган сиёсат Ғарб давлатлари манфаатларига бўйсундирилгандир. Иордания ва Ливаннинг ҳукмрон доиралари Америка сиёсатдонларининг ногорасига ўйнайдилар. Исроил давлати эса АҚШ ва Англияга тамомила қарамдир.

Китоб авторлари бу районда бўлаётган сиёсий курашнинг манбаи ана шу катта нефть запасларини қўлга киритиш учун бўлаётганлигини тўғри ёритадилар. Зотан 1957 йилда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида 177 миллион тонна (капиталистик мамлакатлардаги нефтнинг тўртдан бир қисмига яқин) нефть чиқариб олинди. Америка ва Англия монополистлари бу ердан жуда катта фойда оладилар. Улар 1955 йилдагина 1 миллиард 900 миллион доллар соф фойда олганлар. Бу эса ана шу нефть районидаги капитал жамғармалар суммасига тенгдир. Ўрта ва Яқин Шарқ Европа, Осиё ҳамда Африка қитъаларининг ўртасига жойлашган бўлиб, географик жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир. Ана шу мамлакатлар орқали муҳим денгиз-ҳаво йўллари, шунингдек телеграф ва телефон линиялари ўтади. Бу йўллар бутун Европани Осиё мамлакатлари билан боғлайди. Қора денгиз бўғозлари, Сувайш канали ҳам шу райондадир.

Китобда мазкур районнинг табиий бойликлари ҳақида ҳам характерли маълумотлар берилган. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг табиий бойликлари, даставвал нефти билан пахтаси, районнинг стратегик мавқеи ҳамда ишчи кучи ресурслари империалистларнинг бу районга бўлган қизиқишини, ҳаваси ни ва иштаҳасини очиб юборган. Империалистик доиралар халқларнинг ҳоҳиш ва иродалари билан ҳисоблашмай, миси чиққан мустамлака сиёсатини ҳамон давом эттирмоқдалар. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари устидан ўз ҳукмронликларини сақлаб қолишга интилмоқдалар. Китоб авторлари мазкур халқларнинг империалистларнинг босқинчилик сиёсатларига қарши олиб бораётган курашларига кенг ўрин бериб тўғри иш қилганлар. Араб мамлакатлари халқлари «Эйзенхауэр доктринаси» деб аталган машъум уруш ва мустамлакалар забт этиш доктринасини лаънатлаб рад этмоқдалар. Миср, Сурия, Яман, Судандаги аҳолининг турли табақалари якдиллик билан «Эйзенхауэр доктринаси»ни қораладилар. Ливан, Иордания, Саудийлар Арабистони ва бошқа мамлакатларнинг кенг халқ оммаси ҳам мазкур доктринани қоралаб, унга қарши курашмоқда.

Айниқса кейинги кунларда Шарқ мамлакатларидаги миллий-озодлик кураши кескин тус олди. Ливан халқи империалистлар сиёсатини олиб бораётган ҳукуматга қарши қўзғолон кўтарди. Ироқ халқи эса 14 июлда монархияни ағдариб ташлади, Ироқ республикаси тузилганлигини эълон қилди, агрессив Бағдод пактини бекор қилиб, Бандунг конференцияси принципларига содиқ эканлигини билдирди. Империалистлар бу воқеалардан ғоят саросимага тушдилар. АҚШ Ливандаги миллий-озодлик ҳаракатини бўғиш учун мамлакат территориясига қўшин туширди, ҳарбий интервенция бошлади.

Бутун дунё халқи мустамлакачиларнинг агрессорлик сиёсатларини лаънатламоқда.

Ўрта ва Яқин Шарқ ҳақидаги китобнинг босилиб чиқиши совет кишиларига мазкур райондаги мамлакатларнинг аҳволи, бойлиги, табиий шароитлари ва халқларининг бахтли ҳаёт, порлоқ келажак учун олиб бораётган курашини ўрганишга катта ёрдам беради. Китоб мазкур мамлакатлардаги деҳқонлар, ҳунармандлар, ишчилар ва интеллигентларнинг ҳаётини акс эттирувчи фотосуратлар, мамлакатларнинг қадимги ёдгорликлари ва маданият даражаси ҳамда кўп асрлик тарихини акс эттирувчи ҳужжатлар билан бойитилган. Китобга илова тарзида берилган маълумотларда мазкур давлатларнинг территорияси, пойтахти, ер ўлчов бирлиги, валютаси, нефть запаси, пахта етиштириши ва бошқалар тўғрисида маълумотлар берилган. Айрим мамлакатларга бағишланган мақолалар ичида мазкур районга оид географик карталар берилган. Бундан ташқари Яқин ва Ўрта Шарқдаги барча мамлакатларни кўрсатган катта карта ҳам илова қилинган. Бу эса китобнинг қимматини яна ҳам оширади ва китобхонларга фойдали маълумотлар беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, китоб ўзбек тилида ҳам нашр этилиши ва унда мазкур китоб босмага берилгандан сўнг бўлиб ўтган халқаро воқеалар (Бирлашган Араб Республикасининг тузилиши, Ливандаги воқеалар, Ироқ республикасининг барпо этилиши ва бошқалар) ҳам акс эттирилиши керак.

К. ОРИФХОНОВ.

* Ю. Басистов, И. Яновский — «Страны Ближнего и Среднего Востока», Госиздат УзССР, Ташкент — 1958 г. редактор И. Ахунов, художник А. Венедиктов.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## „Чирчиқ меҳнаткашларининг ҳақли талаби"

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 11 июнь сонида босилган мақолада Чирчиқ шаҳар совет-колхоз бозорилари камчиликлар ҳамда тартибсизликлар танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ўртоқ Бобоевнинг редакцияга хабар қилишича текширишда мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган. Мақола совет-колхоз бозорининг коллективи ўртасида муҳокама қилиниб, газетада кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланган. Бозор дирекцияси шартнома юзасидан колхозлардан келтириладиган сабзавот, мева ва сут маҳсулотларини кўпайтирган. Бозорда ва меҳмонхонада тартиб ўрнатилиб, санитария ва гигиена ишлари яхшиланган.

# Америкали агрессорларнинг ҳарбий авантюраси тўхтатилсин!

☆ ☆ ☆ ☆

### МОСКВАДАГИ АҚШ ЭЛЧИХОНАСИ ОЛДИДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Ливанга қурол кучи билан бостириб кирган Америка империалистларига қарши 17 июлда Москвадаги АҚШ элчихонаси биноси олдида меҳнаткашларнинг кўп кишилик норозилик намойиши бўлди.

Пойтахтдаги корхоналар ва муассасалар коллективларининг вакиллари намойишда кўтариб чиққан плакатларда: «Ливандан қўлингни тort»!, «Америка мустамлакачиларига уят!», «Яшасин бутун дунёда тинчлик!», «Яшасин Ироқ ва Ливан халқлари!» деган шиорлар ёзилган эди.

«Трехгорная мануфактура» тўқимачилик комбинати корхоналарининг, Москва тормоз заводи, 1-давлат подшипник заводи ва бошқа корхоналарнинг делегациялари АҚШнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги интервенциясига қарши норозилик билдирилиб, коллективларнинг митингларида қабул қилинган резолюцияларни АҚШ элчисига топшириш учун олиб келдилар. (ТАСС).

### БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НОСИРНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 17 июль. (ТАСС). МЕН агентлиги Бирлашган Араб Республикаси президенти Гамол Абдил Носирнинг қуйидаги баёнотини эълон қилди:

«Америка қуролли кучлари томонидан Ливаннинг оккупация қилиниши Ўрта Шарқда тинчликка таҳдид солмоқда ва БМТ Уставига тажовуз қилишдан иборатдир. Бу оккупация империализмга бўйсунишдан воз кечган ҳамда мустақил сиёсат юритаётган барча араб мамлакатларига хавф туғдиради. Тамомила равшанки, Америка ҳукумати Ливандаги ички революцияга Ливанни оккупация қилиш учун ва Ўрта Шарқдаги мустақил мамлакатларга хавф туғдириш учун баҳона деб қарамоқда.

Қўшма Штатлар Бирлашган Араб Республикаси Ливан ишларига аралашаётир деган сохта баҳонани важ қилиб бу хавфли агрессияни бошлади, ваҳоланки Ливандаги аҳвол билан батафсил танишиб чиққан БМТ кузатувчиларининг Хавфсизлик Кенгашига топширган докладида Бирлашган Араб Республикасининг Ливан ишларига аралашуви ҳақидаги уйдирмалар расмий равишда рад этилган эди. Бу эса АҚШнинг мустақил араб халқларига нисбатан қилган ҳақиқий ниятларини ҳамда Қўшма Штатларнинг уларни ўзига бўйсундириш ҳамда улар устидан ҳукмронлик қилиш йўлидаги уринишларини фош қилади. Буларнинг ҳаммаси Америка БМТ Устави билан ҳамда бу ташкилотнинг ўзи билан ҳисоблашмаётганлигини, БМТнинг қарорларини бузиб, унинг фаолиятига тўсқинлик қилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Бизнинг Ироқдаги аҳволга бўлган муносабатимизга келганда шуни айтиш керакки, Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати Ироқ Республикасига қарши қилинадиган ҳар қандай агрессия Бирлашган Араб Республикасига қарши қилинган агрессия деб ҳисобланажагини билдиради. Бу ҳолда Бирлашган Араб Республикаси араб давлатларининг коллектив хавфсизлиги пактига мувофиқ, Ироқ Республикаси олдидаги ўз мажбуриятларини ado этади».

### БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ҲАРАКАТЛАРИ

ҚОҲИРА, 17 июль. (ТАСС). Матбуот хабар беради: Бирлашган Араб Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Хусайн Азиз кеча Американинг Қоҳиралаги элчиси Хэйрни қабул қилиб, унга, Американинг Ўрта Шарқ мамлакатлари ишларига аралашаётганлиги ва Қўшма Штатларнинг Ливанда харбий интервенция қилганлиги Ўрта Шарқда тинчлик ва хавфсизлик иши учун жуда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин, деб айтди.

Матбуотнинг хабаридан маълум бўлишича, Хусайн Азиз Туркиянинг Қоҳиралаги ишлар вакилига ҳам шу мазмундаги гапларни айтган.

### АРАБ МАМЛАКАТЛАРИДАН ҚУЛИНГНИ ТОРТ!

ХАНОЙ, 17 июль. (ТАСС). «Нян зан» газетаси бутун қуйидагиларни ёзади: «Америка денгиз пиёда қўшинларининг Ливан территориясига туширилганлиги жуда сурбетлик билан қилинган иш бўлди» ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини қўпол равишда бузди. Америка империалистларининг бу ҳаракати Ливан халқини бостиришга қаратилган ва Ироқ, Иордания ҳамда миллий мустақиллик ва тинчлик учун курашаётган бошқа мамлакатларнинг халқларига таҳдид солаётган ҳаракатлир.

Вьетнам халқи, деб ёзади «Нян зан» газетаси, Америка империалистлари Ливан территориясидан дарҳол чиқиб кетсин деб талаб қилмоқда.

## Ироқ Республикасини танидилар

### ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА, 16 июль. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг билдиришича, Чехословакия Республикаси ҳукуматининг раиси Вильям Широкий Ироқ Республикасининг бош министри Абдил Карим Қосимга телеграмма юборган. Телеграммада Чехословакия Республикаси ҳукумати Ироқ Республикаси ҳукуматини расмий равишда танийди ва иккала мамлакат ўртасида дарҳол нормал дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини билдиради, дейилган.

### РУМИНИЯ

БУХАРЕСТ, 17 июль. (ТАСС). Руминия телеграф агентлигининг хабар беришича, Руминия Халқ Республикаси министрлар Советининг раиси Киву Стойка Ироқ Республикасининг бош министри генерал Абдил Карим Қосимга телеграмма юборган. Телеграммада Руминия Халқ Республикаси ҳукумати Ироқ Республикасининг эълон қилган мустақиллигини расмий равишда таниди ва янги Ироқ давлати Ўрта Шарқда ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдиради, дейилган.

### ПОЛЬША

ВАРШАВА, 17 июль. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги хабар беради: Польша Халқ Республикаси ҳукумати Ироқ Республикаси ҳукуматини таниди.

### ВЪЕТНАМ

ХАНОЙ, 17 июль. (ТАСС). Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати Ироқ Республикаси ҳукумати таниганлигини бугун эълон қилган.

### КОРЕЯ

ПХЕНЬЯН, 17 июль. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен Ироқ Республикаси бош министри Абдил Карим Қосимга телеграмма юборди. Телеграммада Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати Ироқ Республикаси ҳукуматини таниди, деб маълум қилинади.

### ГДР

БЕРЛИН, 18 июль. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети раиси Отто Гротеволь томонидан Ироқ Республикасининг бош министри Абдил Карим Қосимга юборилган телеграммани АДН агентлиги эълон қилди. Бу телеграммада Германия Демократик Республикаси ҳукумати Ироқ ватанпарвар кучларининг миллий мустақиллик учун курашда эришган ғалабасини табриклайди ва Германия Демократик Республикаси ҳукумати Ироқ Республикасини танишга қарор берганлигини хабар қилади.

### БОЛГАРИЯ

СОФИЯ, 18 июль. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради: Болгария Халқ Республикаси Ироқ Республикаси ҳукуматини расмий равишда танишга қарор қилди.

### ЮГОСЛАВИЯ

БЕЛГРАД, 17 июль. (ТАСС). ТАНЮГ агентлиги мухбирининг билдиришича, Югославия Федератив Халқ Республикаси президенти Тито Ироқ Республикаси ҳукуматининг бош министри Абдил Карим Қосимга Югославия ҳукумати Ироқ Республикасини таниганлигини маълум қилган.

### Араб мамлакатларининг ички ишларига мустамлакачиларнинг қуролли аралашуви тўхтатилсин

ҚОҲИРА, 17 июль. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлик кенгашининг доимий секретариати Американинг Ливандаги харбий аралашувини қоралаб ёзилган телеграммаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг раисига юборди.

Телеграммаларда бундай дейилади: «Американинг Ливандаги харбий аралашувини Осиё ва Африка мамлакатларининг халқлари номидан қатъиян қоралаймиз. Бу аралашув Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини бузаётир ва янги урош бошланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Биз Ливан территориясидан Америка қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қиламиз».

Доимий секретариат қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорликка бағишланиб Стокгольмда ўтказилаётган жаҳон конгрессининг раисига ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг миллий комитетларига ҳам Американинг Ливандаги интервенциясини қоралаб телеграммалар юборди.

## АҚШнинг Яқин Шарқдаги сиёсати барбод бўлганлиги тўғрисида Липпманнинг ёзганлари

НЬЮ-ЙОРК, 17 июль. (ТАСС). «Нью-Йорк геральд трибюн» газетасининг обзорчиси Уолтер Липпман Американинг Ливандаги харбий интервенциясини, бу нотўғри ва нореал сиёсатнинг натижаси бўлди, деб таъкид қилмоқда ва Бирлашган Араб Республикаси ҳамда Совет Иттифоқи билан бирликда Ўрта Шарқда тзаллуқли проблемаларни ҳал қилиш керак, деб ёзмоқда.

Липпман Қўшма Штатлар, аслини олганда, ҳозирги вақтда Араб Шарқидаги халқ ҳаракатини бўғаётганлигини эътироф қилиб, «Америка кучлари бу операцияда нақадар чуқур ва қанча вақтгача ботиб турар экан...» деб савол бермоқда. Шундай аҳвол вужудга келгани, деб давом қилади Липпман, эндиликда биз араб революциясига харбий қаршилик кўрсатмоқдамиз ва Ўрта Шарқда араб мусулмонлари билан Ғарб давлатлари ва улярга қўшилган давлатлар ўртасидаги чегара айниқса яққол бўлиб қолди.

Бу ҳол, обзорчининг фикрича, АҚШнинг Ўрта Шарққа нисбатан ўтказаётган сиёсатининг концепцияси ва структурасидаги принципиал хатонинг натижасидир. «Ўрта Шарқни стабиллаштирмоқ учун Ўрта Шарқ мамлакатларининг қанчасини блокка уюштириш мумкин бўлса, шуларнинг ҳаммасини Совет Иттифоқига қарши харбий блокка бирлаштириш зарур деган фикрнинг ўзи хато фикр эди», деб ёзади Липпман.

Липпман бу фикрни икки асосий сабабга кўра хато фикр деб ҳисоблайди: биринчидан, Совет Иттифоқи сингари буюк давлатни ўзига шу қадар яқин ва муҳим бўлган районлардан четлатиб туриш мумкин деган фикрнинг ўзи бемаъниликдир, чунки Марказий Америка Қўшма Штатлар учун қанчалик яқин ва муҳим район бўлса, бу район ҳам Совет Иттифоқига шунчалик яқин ва муҳим райондир. Иккинчи сабаб шуки, «араблар биз билан (яъни АҚШ билан. — Редакция), ҳам, Совет Иттифоқи билан ҳам бирлашишни истамайдилар, балки бетараф бўлиб қолишни истайдилар».

АҚШ амал қилаётган «сохта концепцияга» асосланган сиёсат, — деб давом қилади Липпман, — «батамом муваффақиятсизликка учради». Бу сиёсат воқеликка зид бўлган назарияга асосланган эди, шунинг учун ҳам муваффақиятсизликка учраши муқаррар эди. Менимча. Оқ уйдаги ва давлат департаментидаги кишиларнинг фикрини илгариги сиёсатнинг принциплари, ёки тўғрисини айтганда шу сиёсатнинг шартлари белгилаб турар экан, биз бу нарсани ҳеч қандай ҳал қилишга эришолмаслигимиз жуда мақсадга мувофиқдир... Энг тўғри йўл шуки, Ўрта Шарқ масаласини бетарафлик принципига асосланиб ҳал қилишни таклиф этиш керак. Липпман бундай бетарафликни буюк давлатларнинг ҳаммаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти гарантиялашлари лозим деб ҳисоблайди.

Липпман бу райондаги масалаларни «Совет Иттифоқи ҳам, Бирлашган Араб Республикаси ҳам биз ҳисоблашмогимиз лозим бўлган ва бамаслаҳат бир фикрга келишимиз лозим бўлган давлатлар эканликларини эътироф қилган ҳолда музокаралар олиб бориш йўли билан» ҳал этишни таклиф қилади.

### АҚШНИНГ ЛИВАНДАГИ ҚУРОЛЛИ ИНТЕРВЕНЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА ЧЕХОСЛОВАКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ В. ДАВИДНИНГ БАЁНОТИ

ПРАГА, 16 июль. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, Америка Қўшма Штатларининг Чехословакиядаги элчиси Жон Аллисон Чехословакия Республикаси Ташқи ишлар министри Вацлав Давид ҳузурида бўлган ва унга нота топширган. Бу нотада Америка ҳукумати Ливандаги ўз агрессиясини оқлашга уринмоқда.

Ташқи ишлар министри Вацлав Давид бу ўринишларни рад этди ва Америка ҳукуматининг ҳаракатини Ливан ички ишларига қуролли аралашиш деб қоралади. Чехословакия ҳукумати, деди у, Ливандаги воқеалар тўғрисида ҳозиргача икки марта ўз фикрини баён этди, кейинги марта — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Чехословакия Республикаси Президенти Антонин Новотнийнинг Совет Иттифоқида бўлиши тўғрисидаги баёнотда ўз фикрини билдирган эди. Ахборотда Ливандаги ички сиёсий кризисни ҳал этиш фақат Ливан халқининг ишидир деб таъкидланган эди.

Ироқдаги воқеаларнинг ривожланиши Ироқ халқининг фақат ўз ички ишидир, деди Ташқи ишлар министри Вацлав Давид. Американинг нотасида Америка интервенцияси Ливаннинг суверенитетини ҳимоя қилиш йўлидаги тадбир деб даъво қилинади. Аммо бу агрессия Ливан суверенитетини ҳимоя қилиш тадбири эмас, балки аксинча, Ливаннинг суверенитетига қарши қаратилган ҳаракатдир.

Америка ҳукуматининг харбий аралашуви, деди сўнгра Чехословакия Ташқи ишлар министри, Яқин ва Ўрта Шарқдагина эмас, балки бутун дунёда хавфсизлик ва тинчликни таҳлика остига қўяди.

Пировардида, Ташқи ишлар министри Вацлав Давид айтдики, бу агрессив ҳаракатлардан келиб чиқиши мумкин бўлган ва келиб чиқадиган ҳамма оқибатлар учун жавобгарлик Америка Қўшма Штатлари ҳукумати устига тушади.

### Ливан парламенти раисининг норозилиги

НЬЮ-ЙОРК, 17 июль. (ТАСС). Ливан парламентининг раиси Оссейран Хавфсизлик Кенгаши раисига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарига мактуб юборди. Бирлашган Араб Республикасининг вакили Лутфий Хавфсизлик Кенгаши мажлисида шу мактубни ўқиб берди. Мактубда бундай дейилади:

«Депутатлар палатаси халқнинг вакили бўлган бирдан-бир ҳокимиятдир. Афсуски, биз Америка қуролли кучлари америкаликларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш ҳамда Ливаннинг мустақиллигини ва суверенитетини муҳофаза қилиш баҳонаси остида Ливан территориясига туширилганлигини эшитдик. Бу ҳаракатнинг, яъни Америка қуролли кучлари Ливанга туширилганлигининг ўзи Ливан мустақиллигини ва суверенитетини бузишдир.

Ливанда яшаб турган америкаликларнинг ҳаёти ва манфаатлари ҳеч қачон хавф остида қолмаган эди. Ливандаги можаро 67 кундан бери давом қилмоқда, лекин ливанликлардан биттаси ҳам америкаликларнинг ҳаётига ёки уларнинг манфаатларига ҳеч қачон таҳдид қилмоқчи бўлган эмас.

Ливандаги танглик Ливаннинг ички ишидир, шунинг учун ҳам буни бартараф қилиш депутатлар палатасининг қўлидадир.

Шу сабабли мен Ливаннинг суверенитетини ва мустақиллигини бундай бузишга қарши депутатлар палатаси номидан порозилик билдиришим лозим ва мен Америка қўшинларининг Ливанга туширилганлиги Ўрта Шарқдаги тинчлик ва хавфсизлик учун таҳдид туғдираётир деб ҳисоблайман.

Америка Қўшма Штатлари ҳатто жаҳон урушига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳалокатли оқибатлар учун жавобгар деб ҳисоблайман ва Ливан билан АҚШ ўртасида давом қилиб келган яхши муносабатларни қўллаб-қўлтиқлаш мақсадида чет давлатларнинг қуролли кучларини дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қиламан».

### Ливандаги аҳвол

ЛОНДОН, 18 июль. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Байрутдан юборган хабарида айтилишича, кеча Байрут аэропорти районида Америка денгиз пиёда қўшинларининг солдатлари билан Ливан қўзғолончиларининг снайперлари ўртасида отишма бўлган.

## Қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик Жаҳон конгрессида

СТОКГОЛЬМ, 17 июль. (ТАСС махсус мухбири). Конгресснинг Эжени Коттон раислигида ўтган 16 июль кечки мажлисида президиум конгрессга кун тартиби тўғрисида ва конгресснинг иш тартиби тўғрисида таклиф тақдим этди. Конгресс қуйидаги кун тартибини бир овоздан қабул қилди ҳамда кун тартибининг айрим масалалари юзасидан докладчилар рўйхатини тасдиқлади:

1. Конгресснинг умумий мақсадлари тўғрисида Фредерик Жолио-Кюрининг доклади.
2. Қуролсизланиш проблемаси (Джон Бернал доклади).
3. Сиёсий ҳамкорлик (Рамешвари Неру ва Ольга Поблете докладлари).
4. Иқтисодий ҳамкорлик (Оскар Ланге доклади). 5. Маданий ҳамкорлик (А. Лундквист доклади).
6. Тинчликсевар кучларнинг ҳамкорлиги (Жеймс Эндикотт доклади).

Конгресс проблемаларни яхши мажлисларда, шунингдек беш комисляда (проблемалар сонига мувофиқ) муҳокама қилади. Ҳамма делегацияларнинг вакилларига комиссиялар ишида қатнашиш таклиф этилди.

Президиум Яқин Шарқдаги воқеаларнинг ривожланишини ҳисобга олиб, бугун бу масала юзасидан махсус резолюция қабул қилишни таклиф этди. Резолюция ишлаб чиқиш учун махсус комитет тузилди.

Раислик қилувчи Эжени Коттон Жаҳон Тинчлик Кенгаши раиси Ф. Жолио-Кюридан конгресс номига олинган табрик хатини ўқиб эшиттиради. Ф. Жолио-Кюри бетоблиги сабабли конгрессга келолмаган.

Шундан кейин профессор Биккарга сўз берилади. У Ф. Жолио-Кюри томонидан тайёрланган доклади ўқиб эшиттирди.

Фредерик Жолио-Кюри ўз докладининг бошида жаҳон халқлари зўр бериб қуролланишнинг давом эттирилаётганлиги ҳамда «совуқ уруш»нинг янги кўринишлари муносабати билан роят ташвишланаётганликларини кўрсатади. Жазоирдаги уруш, деб таъкидлади докладчи, қарийб 4 йил давом этмоқда ва бутун Шимолий Африкага ёйилиш хавфини туғдирмоқда. Жамоатчилик Яқин Шарқдаги конфликтларни ҳам роят ташвишланиб кузатмоқда. Ливандаги харбий интервенция тўғрисидаги ва Ироққа нисбатан қилинаётган дўқлар ҳақидаги хабарлар ҳам жиддий хавотир туғдирмоқда. Шу муносабат билан, дейди Жолио-Кюри, биз ўзимизнинг қаттиқ позициямизни эслатиб ўтамиз: биз куч ишлатилишига қаршимиз, биз халқаро жанжалларнинг тинч йўл билан ҳал этилишига тарафдормиз, биз халқларнинг ички ишларига аралашишларга қаршимиз.

Жолио-Кюри атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш роят зарурлигини уқтириб ўтади. Совет Иттифоқининг бу хил синовларни тўхтатиш тўғрисидаги қарори, деб таъкидлайди у, жуда катта аҳамиятга эга бўлган ижобий ишдир. Англия ва Қўшма Штатлар ядро синовларини давом эттириш билан ўз зиммаларига катта жавобгарликни олмоқдалар. Бу синовлар ҳозирги вақтда ишончсизликнинг ва «совуқ уруш»нинг жиддий сабабларидан биридир.

Докладчи атом ва водород қуроли ишлатишдан воз кечиш тўғрисида ва бу қурол синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга эришиш учун зўр бериб курашиш зарурлигини таъкидлайди.

Қуролсизланишга доир масалаларни, дейди Жолио-Кюри, яккалаб эмас, балки халқаро ҳамкорлик масалалари ва халқаро кескинликни юмшатиш масалалари билан, жумладан, иқтисодий масалалар билан маҳкам боғлаган ҳолда қараб чиқиш зарур.

Жолио-Кюри қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик конгресси барча мамлакатларнинг халқларига ва ҳукуматларига мурожаат қилиб, «совуқ уруш»га хотима бериш ва қуролсизланишнинг амалга оширилишига эришиш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришга даъват этиши лозим, деб ўқтириб ўтади. Жолио-Кюри халқаро кескинликни юмшатишга эришиш учун ҳамма кучларни бирлаштириш мақсадида қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик проблемаларини ўрганиш халқаро комиссиясини тузишни таклиф этади. Жолио-Кюри бу комиссия, ҳукумат раҳбарлари ўз нуқтаи назарини баён этиш учун ва «совуқ уруш»ни тугатиш йўлида ўзлари томонидан кўрилаётган чоралар ҳақида ахборот бериш учун комиссия мажлисларида иштирок этишни илтимос қилиб, ҳукумат раҳбарларига мурожаат қила оладиган бўлсин, деб таклиф этади.

Пировардида докладчи Қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик конгресси халқларга равшан мақсадларни кўрсата олади ҳамда атом хавфига қарши, қуролсизланиш ва ҳамма миллатларнинг ҳамкорлиги йўлидаги курашнинг янада кучайишига олиб келади, деб ишонч билдиради.

СТОКГОЛЬМ, 17 июль. (ТАСС махсус мухбири). Қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик Жаҳон конгресси кеча кечки мажлисининг охирида Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисидаги масала юзасидан бир делегат қарши бўлгани ҳолда, ҳамма делегатларнинг ёқлаб овоз бериши билан қуйидаги резолюцияни қабул қилди:

«Қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик конгресси Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучлари мустақил ва суверен мамлакат бўлган Ливанга туширилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитди.

Бу агрессия айниқса шунинг учун йўл қўйилмаслик бир ҳолдирки, у Ливандаги сиёсий кризис ички характердаги воқеа эканлиги ҳамда чет элларнинг ҳеч қандай аралашуви билан боғлиқ эмаслиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг баёнотларидан ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчилари тайёрлаган докладдан равшан кўриниб турган вақтда юз берди.

Конгресс Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларини бузадиган бу ҳаракатга қарши тантанали равишда порозилик билдиради. Конгресс Қўшма Штатлар, Буюк Британия ва Туркия қўшинларининг тўпланаётганлиги ҳамда Бағдод пакти мамлакатларининг мустақил давлат бўлган Ироққа нисбатан агрессив планлари Яқин Шарқ халқларининг тинчлиги ва мустақиллиги учун хавф туғдираётганлигини таъкидлайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар Яқин Шарқ халқлари учунгина эмас, балки бутун дунё халқлари учун хавф туғдирмоқда, унга термоядро қуроли ишлатиладиган жаҳон уруши хавфи таҳдид қилмоқда.

Конгресс барча халқларга мурожаат қилиб, уларни агрессияга ва интервенцияга дарҳол хотима бериш ҳамда кенгайиб кетган тақдирда инсоният тақдирини таҳлика остида қолдириши мумкин бўлган конфликтни тўхтатиш учун ҳамма чораларни кўришга даъват этади».

Конгресс делегатлари резолюцияни тикка туриб, гулдурос қарсаклар билан-табриклаб қабул қилдилар.

СТОКГОЛЬМ, 17 июль. (ТАСС). Стокгольм конгрессининг кечки мажлисида Фредерик Жолио-Кюрининг докладидан кейин қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорликка доир айрим проблемалар юзасидан музокаралар бошланди. Ҳиндистон вакили Рамешвари Неру ҳоним биринчи бўлиб сўзга чиқиб, «совуқ уруш» ва харбий блоклар тузиш сиёсати қандай хавф туғдираётганлиги ҳақида гапирди. Биз, деди Рамешвари Неру, кейинги кунларда айниқса кучайиб кетган ишончсизлик ва шубҳаланиш вазиятини ўзгартириш йўлини топиш умидида узоқ жойдан бу ерга келганмиз.

Рамешвари Неру залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида бундай деди: агрессорлар қўшинларининг Яқин Шарқдан олиб чиқиб кетилишини талаб қилиш керак. «Бутун конгресс Яқин Шарқ халқлари билан бирдамдир».

Атоқли инглиз олими, Жаҳон Тинчлик Кенгаши раисининг ўринбосари профессор Жон Бернал кун тартибидаги иккинчи масала (қуролсизланиш проблемаси) юзасидан сўзга чиқиб, қуролсизланиш проблемасини бутун дунёда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш соҳасидаги катта ва муҳим вазифа деб таъкидлади.

Ж. Бернал конгресс қатнашчиларини тинчликни ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб қатъий ҳаракат қилишга даъват этди ва қуролсизланиш йўлида биринчи қадам қўйишга ҳамда тинчликка қилинаётган таҳдидни батамом барҳам тараф қилгунча ҳаракат қилишга мажбур этиш керак, деди.

Профессор К. Ясуи (Япония) айтдики, Совет Иттифоқининг ядро қуроли синовларини бир ўзи тўхтатиши тўғрисидаги қарори бу қуролни тамомила тақиқлаш йўлидаги жуда муҳим қадамдир. Ана шу қулай имкониятдан фойдаланиб, деди нотиқ, биз ядро қуролининг тажриба мақсадида ўтказилаётган ҳар қандай портлатилишининг дарҳол тўхтатилишига эришувимиз лозим.

Шундан кейин Чили вакили Ольга Паблете сўзга чиқди. Унинг нутқи миллий мустақиллик ва тинчликни сақлаш проблемаларига бағишланган эди. Империализм биноси, деди у, бутун дунёда ларзага келмоқда, Латин Америкасида Америка империализмининг негизлари қақшамоқда. Эски мустамлакачи давлатлар жон-жаҳдлари билан қаршиликк кўрсатмоқдалар. Бироқ Хитойдаги, Ҳиндистондаги, Индонезиядаги, Кореядаги ва бошқа мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатининг муваффақиятлари мустамлакачиликка қарши курашни рағбатлантирмоқда.

О. Паблете АҚШнинг Ливандаги ҳаракатларини қатъий равишда қоралаб ва бу ҳаракатларни ошкора агрессия деб атаб, араб халқларининг кураши ҳозирги замондаги энг катта ва муҳим воқеадир, деди. Залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида Чили вакили империалистларга ғазаб билан лаънатлар айтди.

Мажлисда «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати, швед ёзувчиси Артур Лундквист ҳам сўзга чиқди. У конгрессда қатнашувчи маданият ва санъат намояндаларига маданий алоқа комиссияси тузишни таклиф этди.

### АҚШ УРТА ШАРҚКА ҚУШИН ЮБОРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

ВАШИНГТОН, 17 июль. (ТАСС). Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Хэгерти кеча матбуот конференцияси ўтказди ва бу конференцияда ҳозирги вақтда АҚШ Ливандан бошқа бирор мамлакатга ўз қўшинларини юборишни ўйламайди, деган. Шу муносабат билан ундан Америка қўшинларининг Туркияга келганлиги тўғрисидаги хабарларни шарҳлаб беришни сўраганларида Хэгерти бу қўшинларнинг борадиган пункти Туркия деб ҳисоблаш «нотўғри» бўлур эди, деган.

Айни бир вақтда АҚШ харбий министрлигини жаъми 1.600 кишидан иборат Америка ҳаво десанти қўшинлари бўлинмаларининг Ғарбий Германиядан Ўрта Шарқ районига юборилганлигини эълон қилди.

### АҚШ АНГЛИЯНИНГ ИОРДАНИЯДАГИ ИНТЕРВЕНЦИЯСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВАТЛАМОҚДА

ВАШИНГТОН, 17 июль. (ТАСС). АҚШ ҳукумати Англиянинг Иорданиядаги интервенциясини қўллаб-қувватлаганлигини бугун расмий равишда эълон қилди.


БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА

верстальщиклар, наборщиклар, правильщиклар, стереотипёрлар, печатниклар, электромонтёрлар, тажрибали шоферлар, вахтёрлар, уборщицалар

КЕРАК

«Правда Востока» кўчаси, 34-уй. 2-қават, 22-хонада кадрлар бўлимига эрталаб соат 9 дан кундуз 12 гача мурожаат қилинсин.


## Телевизор Экранида

**19 ИЮЛДА**

**19.30. В. В. Маяковский туғилган кунининг 65 йиллиги муносабати билан катта ёшдаги ўқувчилар учун ўзбек тилида эшиттириш.**

**20.00. Киножурнал.**

**20.10. Рус тилида адабий эшиттириш.**

**20.30. «Кето ва Котэ номли бадиий фильм.**

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

## КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз **Тентак**, кеч соат 6-40 минутда кенг экранли фильм **Ун саккизинчи йил**, кеч 8 ярим ва 10-20 минутда кенг экранли фильм **Партизан учқуни**.

«ВАТАН», КАФАНОВ номли, «САЛЮТ» — **Тентак**.

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Тентак**.

«ИСКРА» (ёзги)—кеч соат 9 да кенг экранли фильм **Уч денгиз оша** (1 ва 2-серия), кеч 11 да **Тентак**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Амалга ошмаган орзулар**.

«ХИВА» — **Амалга ошмаган орзулар**.

### КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

«Комсомол 30 йиллиги», Навоий номли (қишки). Темир йўлчилар саройи, «1 Май, «Салют», Кафанов номли кинотеатларда кўрсатиш учун

*Сўнгги сабударлик*

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий автори — Г. Мдивани.

Постановкачи режиссёр — Шота Манагадзе.

Оператор — Г. Челидзе.

Ролларда Б. Мирнанашвили, И. Кахиани, Г. Тохадзе, С. Такаишвили, М. Канделаки, Г. Ткабладзе, И. Хвичия, Э. Лаперадзелар қатнашади.

Фильмни «Грузия-фильм» киностудияси 1957 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048. 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 05427. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-527.